

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

19-20-сон
(1143-1144)
2024 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

150. «Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги ПФ–73-сон Фармони
151. «2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги ПФ–74-сон Фармони
152. «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги ПҚ–175-сон қарори
153. ««Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси фаолиятини йўлга

қўйиш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 майдаги ПҚ–176-сон қарори

154. «Худудларда ёшларга рақамли технологиялар ва хорижий тилларни ўрганиш учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган «IT-шаҳарча»лар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 майдаги ПҚ–178-сон қарори

Учинчи бўлим

155. «Тамаки маҳсулотлари учун техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги 290-сон қарори
156. «Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги 291-сон қарори
157. ««Маҳалла еттилиги» фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолашда маҳалла раисининг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги 292-сон қарори

Бешинчи бўлим

158. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2024-yil 30-apreldagi 8-son “Tuproq bonitirovkasi ishlarini o‘tkazish va hujjatlarini tasdiqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 6-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2521-3*)
159. Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 3 майдаги 1-сон «Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071-3*)
160. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2024 йил 26 апрелдаги 2-сон, Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2024 йил 22 апрелдаги 02/11-05/02-сон ва Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил 26 апрелдаги 2024-07-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-7*)

161. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 26 апрелдаги 3-сон «Суғурталовчиларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3512*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

150 Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётганлиги, улар инсон омилисиз интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса ёшлар орасида осон тарқатилаётганлиги масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ–158-сон Фармонининг устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, республикаимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан «иммунитет»ни шакллантириш орқали генофондимизга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, гиёҳвандликка чалинган беморларни жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, тиббий-даволаниш тизимини ташкил этиш соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Илғор хорижий тажриба, халқаро, шу жумладан БМТ экспертларининг хулоса ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия (кейинги ўринларда — Миллий стратегия) 1-илова** мувофиқ тасдиқлансин.

Миллий стратегия доирасида қуйидаги мақсадларга эришиш барча давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаси сифатида белгилансин: аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва ёшларда «гиёҳвандликка қарши имму-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 майда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нитет»ни, ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир қилувчи дориларни истеъмол қилишга муросасиз муносабатни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган янги таъсирчан тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профилактик механизмларни жорий этиш;

аҳолига сифатли наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янги усуллар асосида ривожлантириш, гиёҳвандлик ва захарвандликнинг барвақт профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитацияси тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган манзилли чораларни амалга ошириш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда прекурсорларнинг (кейинги ўринларда — гиёҳвандлик воситалари) ноқонуний айланмасининг янгича, айниқса интернет тармоғидаги усулларига барҳам бериш, бу борадаги тезкор-қидирув, тергов ва эксперт-криминалистик чоралар комплексини, биринчи навбатда рақамлаштириш орқали ривожлантириш;

давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда дорихоналарнинг гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланиш амалиётини назорат қилиш, шунингдек, фармацевтика корхоналари, гиёҳвандлик воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи субъектлар масъулиятини оширишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

гиёҳвандликни даволаш ва наркотиноятларга қарши курашиш соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, бу йўналишдаги илмий изланишлар, хулосалар, ютуқлар ва янгиликларни амалиётга жорий этиш ҳамда оммага етказишни таъминлаш.

Миллий стратегияда белгиланган устувор йўналишлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан барча давлат органлари ва ташкилотларнинг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юклансин.

2. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) ва унинг ҳудудий комиссиялари таркиблари 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссияси (А. Арипов) зиммасига:

Миллий стратегиянинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш, уни амалга ошириш бўйича йиллик миллий дастурларни тасдиқлаш ва ижросини назорат қилиб бориш, ушбу йўналишда мутасадди давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда минтақавий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳар чоракда Миллий стратегия ва уни амалга ошириш бўйича йиллик миллий дастур ижросининг танқидий ўрганилишини, белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўрилишини таъминлаш;

республикада гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашишни мувофиқлаштириш, аҳоли орасида гиёҳвандлик ва захарван-

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дликнинг барвақт профилактикаси бўйича самарали чора-тадбирларини белгилаш вазифалари юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур Фармон билан белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Давлат комиссияси ҳамда унинг ҳудудий комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) этиб қайта ташкил этилсин ва фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

республикада гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ вазиятни ҳудудлар кесимида илмий-амалий ва ахборот-таҳлилий жиҳатидан тизимли равишда чуқур ўрганиб бориш, асосий омиллар ҳамда тенденцияларни аниқлаш ва прогноз қилиш;

гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини шакллантириш, бу борада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш чораларини кўриш;

гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар томонидан кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини эксперт жиҳатдан баҳолаш, бу борада ягона ахборот алмашуви ва идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш;

гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш соҳасида хорижий давлат тузилмалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан манзилли ҳамкорликни ўрнатиш, мазкур соҳада халқаро фаолиятни тартибга солувчи конвенциялар доирасида Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан БМТга йиллик маърузалар тайёрлаш;

гиёҳвандликнинг олдини олиш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўйича илғор миллий ва хорижий тажрибаларни доимий ўрганиш ҳамда унинг натижаларини жорий этиш ва оммалаштириш бўйича методика, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш самарадорлигини ошириш йўналишида миллий ва халқаро конференциялар ҳамда симпозиумларни ўтказиш чораларини кўриш, масъул давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув семинарларни ташкил этиш.

4. Миллий стратегияни босқичма-босқич амалга оширишнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

а) Давлат комиссияси (А. Арипов):

2024 — 2028 йилларда ҳар йили Миллий стратегияда белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга ошириш бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи миллий дастурни тасдиқлайди ҳамда ижросини қатъий назоратга олади;

ҳудудий комиссиялар томонидан миллий дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳудудлар кесимида манзилли чора-тадбирлар «йўл хариталари»ни ишлаб чиқилиши ҳамда ҳар чоракда Миллий марказга қилинган ишлар юзасидан ҳисоботлар киритилишини ташкил этади;

хар чорақда масъул давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг тасдиқланган миллий дастурлар ижроси, шу жумладан мазкур дастурларнинг ҳудудлар кесимида амалга оширилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўяди;

б) Миллий марказ:

Давлат комиссияси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган миллий дастурлар ижросини мунтазам мониторинг қилиб, белгиланган чора-тадбирлар сифатли ҳамда ўз вақтида ижро этилиши бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотларга тақдимнома, таклиф ва тавсиялар киритади;

ғиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш соҳасида эришилган натижалар ва аниқ кўрсаткичлар акс эттирилган батафсил ахборотни доимий равишда кенг жамоатчиликка етказиб боради;

хар чорақда Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича миллий дастурлар ижроси ҳамда республикадаги ғиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ вазият юзасидан умумлаштирилган ҳисоботни Давлат комиссиясига киритади;

хар йилнинг якунида Миллий стратегиянинг ижроси ҳамда республикада ғиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ вазиятни яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларини акс эттирувчи йиллик миллий маърузани тайёрлайди ва уни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида муҳокама қилиш учун киритади.

5. Белгилансинки:

Миллий марказ Давлат комиссиясининг мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади ҳамда унинг фаолиятини ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлаб боради;

Миллий марказ юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган давлат органи бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси олдида ҳисобдордир;

Миллий марказ қайта ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Миллий марказ директори ҳамда унинг ўринбосари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, ижтимоий ҳимояси ва тиббий хизмат кўрсатиш тартиби бўйича тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўъба мудирига тенглаштирилади;

Миллий марказнинг раҳбарлар ва ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти раҳбарлари ва ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, ижтимоий ҳимояси ва тиббий хизмат кўрсатиш тартиби қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий марказининг тузилмаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Миллий марказга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

* 4-илова берилмайди.

маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда юқори малакали, шу жумладан ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларни шартнома асосида тадқиқотлар олиб бориш ва дастурий таъминотни амалга оширишга жалб қилиш;

тадқиқотлар олиб бориш ва кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро ташкилотлар, жамғармалар, маҳаллий ва хорижий тадқиқот марказлари ва таълим муассасалари билан белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот-таҳлилий шарҳлар, маърузалар, илмий-таҳлилий ахборотномалар ва бошқа нашрларни чоп этиш;

Миллий марказга юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида тегишли давлат органлари ва ташкилотлардан зарур статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш.

8. Қуйидагилар Миллий марказни молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

ҳар йили тасдиқланадиган параметрлар доирасида ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси фаолиятига кўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижалари асосида ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грант ва мақсадли маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки:

ушбу банднинг учинчи — олтинчи хатбошиларида назарда тутилган маблағлар Миллий марказнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади ва ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш ва малакасини ошириш, шу жумладан хорижий стажировкаларни ташкил этиш, моддий-техник базани яхшилаш, шунингдек, жалб қилинадиган маҳаллий ва хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш учун йўналтирилади;

Миллий марказ директори ушбу банднинг тўртинчи — олтинчи хатбошиларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан ходимларга ҳар ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизигача миқдорда устамалар белгилаш ҳуқуқига эга;

Миллий марказнинг даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

Миллий марказ ходимларига илгари ишлаган жойида берилган кўп йиллик меҳнати (хизмати), ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба ва малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун устамалар ва қўшимчалар сақланиб қолинади.

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «InterForum» давлат унитар корхонаси бир ой муддатда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107-А уй (В блок) манзилидаги маъмурий бино (кейинги ўринларда — маъмурий бино)ни «Халқаро ҳамкорлик маркази» акциядорлик жамияти устав капиталидаги давлат улушини қолдиқ (баланс) қийматига

камайтириш ҳисобига давлат мулки сифатида белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда Миллий марказ маъмурий бинога оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини таъминласин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Миллий марказ фаолиятини ташкил этиш, бинони жорий таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган бюджет ажратмаларини 2024 йилда Давлат бюджети параметрларида ижтимоий соҳа учун назарда тутилган маблағлар доирасида ажратсин, 2025 йилдан бошлаб эса уларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 6 май,
ПФ–73-сон

* 5-илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**151** Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида*

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар бўйича асосий мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш, шунингдек, илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, сув хўжалигида замонавий бошқарувни жорий қилиш мақсадида:

1. Сув хўжалиги вазирлиги барча манбалар бўйича ягона сув балансини юритувчи ҳамда Давлат сув кадастрини ташкил этиш ва юритишга оид ишларни мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгилансин.

Қуйидагилар Сув хўжалиги вазирлигининг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ягона сув баланси ва Давлат сув кадастрини юритиш;

трансчегаравий ва ички дарёлар, сойлар сувларини самарали бошқариш ҳамда табиий қўллар, сув иншоотлари ва ер ости манбаларида етарли сув захирасини яратиш орқали мамлакат сув хавфсизлигини таъминлаш;

ирригация ва мелиорация тизимини ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги истеъмолчиларни сув билан узлуксиз таъминлаш;

рақамли технологияларни кенг қўллаган ҳолда сув ресурсларини бошқариш ва сув ҳисобини юритишнинг шаффоф тизимини йўлга қўйиш;

соҳага ресурс тежовчи замонавий технологияларни, илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни кенг жорий этиш;

сувдан фойдаланиш ва сувни бошқаришга бозор механизмларини кенг жорий қилиш орқали сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

сувдан унумли фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларни ташкил этиш;

сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишларни ташкил этиш;

трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш.

2. Қуйидагилар сув хўжалиги бошқарувини ислох қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Сув хўжалиги вазирлиги тузилмасини юқори, ўрта ва қуйи бўғинларга ажратган ҳолда ташкил қилиш ҳамда функцияларни аниқ белгилаш;

Сув хўжалиги вазирлигининг ягона сув балансини ва кадастрини юритишдаги ваколатини аниқ белгилаш;

сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг самарадорлигини ошириш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 8 майда эълон қилинган.

стратегик ва инновацион ғоялар, илмий асосланган таклиф ва ташаббуслар асосида соҳа ривожланишини таъминлаш;

сув хўжалиги объектларида шаффоф бизнес юритиш тизимини йўлга қўйиш орқали сув хўжалиги объектларининг хусусий сектор учун жозибадорлигини ошириш;

сувдан фойдаланишга рухсат бериш тизимини соддалаштириш орқали сувдан фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш;

меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш орқали соҳага малакали мутахассисларни жалб қилиш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш;

йирик сув хўжалиги объектларини қуриш лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳавий лойиҳа институтлари фаолиятини жонлантириш.

3. Сув хўжалиги вазирлигининг тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган штат бирликлари доирасида мустақил юридик шахс сифатида:

а) қўйидагилар:

Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги (кейинги ўринларда — Эксплуатация агентлиги);

Сув хўжалиги лойиҳаларини амалга ошириш департаменти ташкил этилсин;

б) қўйидагилар:

Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизмати негизида Марказий диспетчерлик ва сув баланси хизмати;

Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази негизида Сув хўжалигида ислохотлар маркази;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази негизида Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти тасарруфидаги Хоразм сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги «Хавфсиз дарё бошқармаси» давлат муассасаси негизида хўжалик ҳисобидаги «Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш» давлат муассасаси ташкил этилсин.

4. Қўйидагилар:

Сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Сув хўжалиги лойиҳаларини амалга ошириш департаментининг ташкилий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотларининг уч бўғиндан иборат вертикал бошқарув тизими ҳамда функциялар тақсимоти 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки, 5-иловага* мувофиқ 2024 йил 1 июлдан бошлаб Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тузилмасидаги ташкилотлар ходимларининг ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган раз-

* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффициентлари оширилган миқдорда ҳамда 2025 йилдан бошлаб кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда ҳар ойлик устамалар қўлланади.

Мазкур Фармоннинг 5-илоvasида кўзда тутилган тартиб жорий этилиши муносабати билан юзага келадиган харажатлар 2024 йилда Сув хўжалиги вазирлигига давлат бюджетидан ажратилган, шу жумладан насос станцияларининг электр энергияси харажатларини қоплаш учун кўзда тутилган маблағларнинг иқтисод қилиниши кутилаётган қисми ҳисобидан, 2025 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Сув хўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «Йўл харитаси» 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 15 августга қадар табиий сув объектларининг сув фонди ерлари Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги тегишли фойдаланувчи ташкилотларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

9. Белгилансинки:

Сув хўжалиги вазирлиги «ЎзГИП» МЧЖ ва «Сувлойиҳа» МЧЖ ташкилотларининг давлат номидан иштирокчиси функцияларини амалга оширувчи орган ҳисобланади;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари томонидан сув ресурсларини бошқариш борасидаги фаолиятига учинчи шахслар, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашуви тақиқланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 декабрдаги «Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–439-сон қарорига мувофиқ:

2024 йил 1 январга қадар ер ости сувларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида ўз тасарруфидаги ер ости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлаш мажбурияти юклатилганлиги;

2024 йил 1 январдан бошлаб сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган ер ости сув олиш иншоотларидан фойдаланиш тақиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б. Исламов), Солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев), «Сувхўжаликназорат» инспекцияси (Р. Рахимов) уч ой муддатда ер остидан сув олиш қудуқларини тўлиқ хатловдан ўтказсин.

Бунда, сув ҳисоблагичлари ўрнатилмаган ҳолларда (бундан жисмоний шахсларга шахсий ва хўжалик эҳтиёжлари учун яқка тартибда суткасига 5 метр кубгача бўлган миқдорда ер ости сувларини олиш мустасно) тегишли

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қонуний чоралар, шу жумладан, ҳисоблагичлар ўрнатилмагунга қадар сув олиш имконини чеклаш чоралари кўрилади.

11. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Ҳамраев) Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б. Исламов), Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш. Ҳабибуллаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А. Ҳаитов) ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Ягона сув баланси ва кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Сув хўжалиги вазири Ш. Ҳамраевнинг:

мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича барча зарурий чораларни кўриш;

сув баланси ва Давлат сув кадастри юритилишини таъминлаш;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимида ўзаро такрорланувчи функцияларни бажарувчи тузилмалар фаолиятига йўл қўймаслик ҳамда фаолият самарадорликларини баҳолаш кўрсаткичларини (KPI) белгилаш;

глобал иқлим ўзгаришининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали механизмларини жорий қилиш, уларнинг малакасини ошириш орқали салоҳиятини кучайтириш;

лимитлар асосида сув истеъмолчиларга сув етказиб бериш;

соҳада бизнес жараёнларини ривожлантириш;

сув хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича шахсий жавобгарлиги белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 7-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб сув хўжалиги вазири Ш.Р. Ҳамраев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 7 май,
ПФ–74-сон

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**152** Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича амалий тадбирлар режаси ижросини таъминлаш, зўравонликдан азият чеккан шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат сифатини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга «оила — маҳалла — туман ва ҳудуд» тамойили асосида комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки, 2024 йил 1 июндан бошлаб:

а) «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» марказлари) томонидан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки жабрланиш хавфи остида бўлган хотин-қизларга ҳимоя ордери талаб этмаган ҳолда ижтимоий, психологик ва юридик хизматлар кўрсатиш тартиби жорий этилади;

б) хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолати ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг «102» телефон рақамларига келиб тушган мурожаатлар асосида ички ишлар органлари ходимлари томонидан рўйхатга олинади;

в) тазйиқ ва зўравонлик ҳолати ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида қуйидагилар амалга оширилади:

хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги профилактика инспектори иштирокида тазйиқ ва зўравонликни содир этган шахс билан суҳбат ўтказилади;

профилактика инспектори томонидан ҳимоя ордери расмийлаштирилади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилич қабул бўлимларига (кейинги ўринларда — шошилич қабул бўлимлари) жойлаштирилади;

расмийлаштирилган ҳимоя ордерлари ва жабрланган шахсларга доир маълумотлар «Инсон» марказларига реал вақт режимида «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали юборилади.

3. Тазйиқдан жабрланган шахсларга руҳий инқироз ҳолатида бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида:

2024 йил 1 июндан бошлаб Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятларида;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб республиканинг қолган барча ҳудудларида

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 майда эълон қилинган.

шошилич қабул бўлимларида туну кун ишлайдиган бирламчи кўмак хоналари ташкил этилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) шошилич қабул бўлимларининг бирламчи кўмак хоналарида:

жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш учун тазйиқ ва зўравонликка учраган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари уч суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштирилади;

шошилич биринчи ёрдам, шу жумладан руҳий, психотерапевтик ёрдам кўрсатилади, шунингдек, юқумли касалликлар мавжудлиги тўғрисида таҳлиллар ўтказилади;

б) тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга реабилитация хизматларини кўрсатиш йўналишида:

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларида (кейинги ўринларда — ҳудудий марказлар) вақтинчалик бошпана (шелтер)лар фаолияти йўлга қўйилади;

ҳудудий марказларга қарашли 14 та намунали туманлараро марказнинг мавжуд штат бирликлари ҳамда моддий-техника базаси тўлиқлигича ҳудудий марказларга ўтказилган ҳолда тугатилади;

шошилич қабул бўлимларининг бирламчи кўмак хоналарида ёрдам олган шахслар мазкур бўлим шифокорининг хулосаси ва химоя ордери асосида ижтимоий хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ ариза талаб этмаган ҳолда ҳудудий марказларга жойлаштирилади;

в) тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларнинг ижтимоийлашув даражаси ижтимоий ходим, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспектори томонидан олти ой давомида мониторинг қилинади;

г) тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар билан ишлаш йўналишида:

зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш ишларига мажбурий равишда Миллий гвардиянинг инспектор-психологлари ҳам жалб қилинади;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб химоя ордери берилган ҳар бир ҳолатда тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастури «Инсон» марказлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

2025 йил 1 январдан бошлаб, ички ишлар органлари томонидан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг реестри юритилади;

д) 2024 йил 1 декабрдан бошлаб бир календарь йил давомида икки ва ундан ортиқ марта тазйиқ ва зўравонлик ҳолати бўйича мурожаат қилинганда ички ишлар органлари томонидан химоя ордери ташаббус тартибида берилади.

5. «Инсон» марказларига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатилишини таъминлашда қуйидаги қўшимча ҳуқуқлар тақдим этилсин:

тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга химоя ордерини бериш учун ички ишлар органига мурожаат қилиш;

тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳудудий марказларда бўлиш вақтида ишлаб чиқилган якка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастурининг ижросини мониторинг қилиш;

зарур ҳолларда тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлса, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимларига талабнома киритиш.

6. Қўйидагилар:

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларни реабилитация қилишга доир чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

Зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган медиа-режа 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Агентлик:

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ижтимоий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ва юридик шахслар фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади;

тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш соҳасида фаолият юритувчи нодавлат ноижорат ташкилотлари реестрини юритади;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва бошқа йўналишларда фаолият юритувчи нодавлат ноижорат ташкилотларнинг давлат ижтимоий буюртмаси орқали жалб қилинишини таъминлайди.

8. Агентлик:

икки ҳафта муддатда тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига бирламчи кўмак хоналарида ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳудудий марказларга жойлаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламенти лойиҳасини киритсин;

2024 йил 1 августга қадар тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш стандарти тасдиқланишини таъминласин;

2024 йил 1 октябрга қадар тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг фуқаролик ишлари бўйича суд ишларида мажбурий тартибда прокурор иштирокини таъминлаш, уларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тартибини йўлга қўйишни назарда тутувчи таклифларни киритсин;

2024 йил 1 октябрга қадар Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг ҳаётий вазиятини баҳолаш ва якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллашнинг такомиллаштирилган тартибини жорий этиш бўйича таклифларни киритсин;

2024 йил 1 октябрга қадар халқаро экспертларнинг хулосасига асосан Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тация маркази негизида кўп функцияли марказ фаолиятини ташкил этишга доир таклифларни киритсин;

2025 йил 1 январдан бошлаб «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида зўравонлик ҳолати, тазйиққа учраган шахсга кўрсатилган хизматлар, тузатиш дастури бажарилишини мониторинг қилиш бўйича модулни жорий этсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Агентлик директори М.П. Оллоёров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 май,
ПҚ–175-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**153** «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, республикада ишлаб чиқарилаётган саноат ва истеъмол товарларининг экспорт бозорини диверсификация қилиш ва янги транспорт-логистика тизимини ташкил этишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси (кейинги ўринларда — Марказ) фаолиятини жадаллаштириш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Белгилансинки, Марказ ҳудудида:

фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига Афғонистон Ислом Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун тасдиқнома олмасдан меҳнат шартномалари асосида ишга қабул қилишга рухсат берилади;

Афғонистон Ислом Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси фуқароларига савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бино ва иншоотларни ижарага олиш, шунингдек, истисно тариқасида, мулк ҳуқуқи билан сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Бунда ер участкасига бўлган ҳуқуқ қонунчиликда белгиланган тартибда ижара ҳуқуқи асосида давлат рўйхатидан ўтказилади;

улгуржи ва чакана савдода тўлов воситаси сифатида, истисно тариқасида, ўзбек сўми билан бир вақтда АҚШ доллари, Россия рубли, евро, юань валюталарини қабул қилишга рухсат берилади. Бунда қабул қилинган нақд хорижий валюта Марказда ташкил этилган тижорат банклари филиаллари орқали Марказда фаолият юритадиган юридик шахсларнинг ҳисобварақларига ўтказилади;

Марказ ҳудудида ташкил этиладиган замонавий тиббиёт клиникасида Афғонистон Ислом Республикаси фуқароларига тиббий хизматлар кўрсатилади ҳамда ушбу клиникада даволаш имкони бўлмаган оғир турдаги касалликларга чалинган беморларга республика ҳудудида жойлашган давлат ва нодавлат тиббиёт муассасаларида даволаниш учун тиббий кириш визалари олиш учун йўлланма берилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар Марказ ҳудудига шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида назорат-ўтказиш пунктларида белгиланган тартибда текширув-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 14 майда эълон қилинган.

дан ўтказилгандан сўнг киритилади ҳамда уларга Марказ ҳудудида ташкил этилган барча хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилади;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш визасини расмийлаштирмасдан, чегара ва божхона назоратидан ўтган ҳолда махсус йўлак орқали кириши (чиқиши) ҳамда ўн беш кун муддатгача Марказ ҳудудида бўлиши тартиби жорий этилади;

савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бино ва иншоотларни олган, шунингдек, шартнома асосида ишлаш, таълим муассасаларида ўқиш, банк филиалларида фаолият юритиш, савдо-сотик ва бошқа фаолият тури билан шуғулланиш мақсадида ташриф буюраётган мамлакатда ўн беш кундан ортиқ муддат бўлишни режалаштирган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасига кириш визасини расмийлаштирган ҳолда кириб келишлари талаб этилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Марказ ҳудудида:

сотиб олинган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини қайтариш (Tax Free) қоидалари қўлланмайди;

харид қилинган товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига белгиланган тартибда божхона тўловлари тўлангандан сўнг олиб кирилади. Бунда божсиз олиб кириш нормалари татбиқ этилмайди;

жойлашган объектларни бошқариш, эксплуатация қилиш, ижарага бериш ва сотиш «Termez International Trade Centre» МЧЖ томонидан амалга оширилади;

жамоат тартибини сақлаш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ва тергов тадбирларини ўтказиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда «Сурхон саноат таъминот» МЧЖнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Марказ ҳудудидаги бино ва иншоотларни мулкӣ мажмуа сифатида «Termez International Trade Centre» МЧЖга сотиш;

«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасини белгиланган тартибда тугатиш.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва «Termez International Trade Centre» МЧЖнинг Сурхондарё вилояти ҳокимлигига Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан Термиз халқаро савдо маркази объектлари қурилишига ажратилган 20 млн АҚШ доллари миқдорига кредит маблағларини қайтариш мажбуриятини «Termez International Trade Centre» МЧЖга ўтказиш ҳамда кредитнинг тўлов муддатини 2028 йил 31 декабрга қадар узайтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Марказ ҳудудини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига 129 та, Божхона қўмитасига 62 та, Ички ишлар вазирлигига 67 та штат бирлиги ажратилсин.

Ажратилаётган штат бирликларини инобатга олган ҳолда Марказ ҳудудида янги божхона пости ташкил этилсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Termez International Trade Centre» МЧЖ билан биргаликда божхона постини Марказ ҳудудида барпо этилган биноларга жойлаштириш чораларини кўрсин.

Қўшимча штат бирликларини сақлаш учун зарур маблағлар 2024 йилда тегишлича Божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан, 2025 йилдан бошлаб умумий тартибда Давлат бюджетидан ажратилсин.

6. «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6109-сон Фармонида мувофиқ ташкил этилган Ишчи гуруҳ (А.Н. Арипов):

ҳар чорақда камида бир маротаба «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиб, тезкор қарорлар қабул қилиб борсин;

«Йўл харитаси»да белгиланган вазифалар бажарилишини доимий назорат қилиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3665-сон қарорига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев, Сурхондарё вилояти ҳокими У.Б. Қосимов белгилансин.

Қарор ижроси бўйича масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 13 май,
ПҚ–176-сон

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**154** Худудларда ёшларга рақамли технологиялар ва хорижий тилларни ўрганиш учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган «IT-шаҳарча»лар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Худудларда ёшларни замонавий касб ва хорижий тилларга ўқитиш, уларда рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан халқаро миқёсда хизматлар кўрсатиш орқали юқори даромад топиш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, жойларда рақамлаштириш соҳасидаги мутахассислар тайёрлаш фаолиятини кенгайтириш ҳамда экспорт қилиш салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг Самарқанд вилояти Нуробод туманида амалга оширилган тажриба асосида фаолияти худудларда ёшларни рақамли технологиялар ва хорижий тилларга ўқитишга йўналтирилган «IT-шаҳарча»ларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «IT-шаҳарча»ларнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ёшларни рақамли технологиялар соҳасига йўналтириш, уларнинг мазкур соҳада билим эгаллаш бўйича интилишларини рағбатлантириш;

семинарлар, менторлик дастурлари ва онлайн таълим ресурслари орқали ёшларда уларнинг меҳнат бозорига муваффақиятга эришишига ёрдам берувчи рақамли технологиялар соҳасидаги кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

дастурлаш ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш йўналишларида таълим бериш, хорижий тиллар, шу жумладан инглиз тилига ўқитиш орқали ёшларнинг билим ва салоҳиятини ошириш;

ёш авлодни замонавий касбларга ўқитиш, шунингдек, уларда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш кўникмаларини ошириш.

3. Қуйидагилар:

«IT-шаҳарча»лар фаолиятини ташкил этиш учун ажратиладиган ер участкалари ҳамда бино ва иншоотлар рўйхати 1-иловага** мувофиқ;

«IT-шаҳарча»лар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

а) худудларда ташкил этиладиган «IT-шаҳарча»лар Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурдаги «Рақамли таълимни ривожлантириш маркази» дав-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 майда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лат муассасасининг (кейинги ўринларда — Марказ) юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмалари ҳисобланади;

б) Марказ «IT-шаҳарча»лар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича қўйидагиларни амалга оширади:

ёшларга бепул таълим олиш учун қулай шароитлар яратади, таълим жараёнлари сифатли ташкил этилиши ва амалга оширилишини таъминлайди ҳамда ёшларга халқаро масофавий таълим платформаларида билим олиш имкониятини яратади;

таълим бериш учун менторларни жалб қилади, улар билан шартномалар тузади, шунингдек, билим ва кўникмаларини доимий ошириб боради;

«IT-шаҳарча»лар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда юклатилган вазифалар ижроси назоратини амалга оширади;

ўқув дастурларига биноан ёшларнинг билим олиши ва кўникмалар эгаллаши, шунингдек, машғулотлар бўйича давоматини мониторинг қилиб боради;

Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда «IT-шаҳарча»ларда ёшлар иштирокида соҳага оид турли мусобақалар, танлов ва бошқа тадбирларни ташкил қилади;

«IT-шаҳарча»лар фаолиятини доимий равишда ривожлантириб боради ҳамда самарадорлигини ошириш чораларини кўради.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

«IT-шаҳарча»ларни ўқув адабиётлари, методик қўлланма ва бошқа таълим ресурслари билан таъминлаш, менторлар хизматига ҳақ тўлаш ҳамда ажратилган бино ва иншоотларни сақлаш харажатлари Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

«IT-шаҳарча»ларнинг бино ва иншоотларини қуриш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш, мебель, компьютер техникаси ҳамда бошқа воситалар билан таъминлаш инвестициялар, маҳаллий бюджет, давлат-хусусий шериклик, ташаббускор тадбиркорлар, ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов, Фориш ва Зомин туманларида «IT-шаҳарча»ларни қуриш ва жиҳозлаш ишлари Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Рақамлаштириш соҳасидаги таълимни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан «IT-шаҳарча»лар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида рақамли технологиялар вазирига «Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази» масъулияти чекланган жамиятининг Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган штат бирликларини босқичма-босқич Марказга ўтказиш ваколоти берилсин.

7. Рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов ҳудудларда ёшларнинг рақамлаштириш ва хорижий тилларни ўрганиши учун шароитлар яратишга

қаратилган «IT-шаҳарча»лар фаолиятини ташкил этиш бўйича белгиланган тадбирлар ижроси ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Ариповга ҳар чоракда ахборот киритиб борсин.

8. Худудларда «IT-шаҳарча»лар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин ҳамда қўйдаги-лар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

намунавий лойиҳалар асосида «IT-шаҳарча»ларни барпо этиш, уларни мебель, компьютер техникаси ҳамда бошқа воситалар, зарурий муҳандислик инфратузилмалари билан таъминлаш ишларини ташкил этиш;

таълим жараёнига рақамли технологиялар, хорижий тиллар ва замонавий касблар йўналишида юқори билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассислар (менторлар)ни жалб қилишга кўмаклашиш;

«IT-шаҳарча»лар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш;

мутахассислар (менторлар) малакаси мунтазам ошириб борилиши, ёшларнинг «IT-шаҳарча»ларда таҳсил олишга йўналтирилишини таъминлаш.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари «IT-шаҳарча»ларнинг бино ва иншоотларини қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш учун пудрат ташкилотлари белгиланган тартибда жалб қилинишини таъминласин.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги «IT-шаҳарча»лар фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бино ва иншоотларда қурилиш-монтаж ишлари сифатли амалга оширилиши юзасидан белгиланган тартибда давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

10. Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлигининг «IT-шаҳарча»лар фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бино ва иншоотлар фойдаланишга топширилгандан сўнг уларни белгиланган тартибда Марказга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов, Фориш ва Зомин туманларида барпо этиладиган «IT-шаҳарча»лар Ёшлар ишлари агентлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги «Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–168-сон қарорининг 2-иловасидан 177-позиция чиқариб ташлансин.

12. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги ёшларни «IT-шаҳарча»ларга мунтазам равишда жалб қилиб бориш чораларини кўрсин.

13. Рақамли технологиялар вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 15 май,
ПҚ-178-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

155 Тамаки маҳсулотлари учун техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» ҳамда «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» қонунларига мувофиқ, шунингдек, тамаки ва тамаки маҳсулотларига қўйиладиган ягона техникавий талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Тамаки маҳсулотларини аниқлаш қоидаларини, тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини идентификация қилиш мақсадлари, истеъмол қилиш мосламаларига қўйиладиган талаблар, ишлаб чиқариш, ташиш ва сақлаш шартларига қўйиладиган талаблар, тамаки маҳсулотларининг, тамаки ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровлари, истеъмол ўровларига жойлаштириладиган ахборотларга, шунингдек, тиббий оғоҳлантиришларни қўллашга доир талабларни назарда тутувчи Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги техник регламент 1-иловага мувофиқ;

Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги техник регламентни жорий этиш схемаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник регламент 2025 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

Техник регламентга киритилган тамаки маҳсулотлари ва тамаки ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари ўтиш даври мобайнида амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида муомалага чиқарилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги техник регламент амалга киритилиши муносабати билан унда кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларни стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ва белгиланган тартибда мазкур Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги техник регламентга зид бўлмаган қисмида қўлланилишида ихтиёрийлик касб этиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 майда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги техник регламент амалга киритилган кундан бошлаб тамаки ва тамаки маҳсулотларини стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни қўллашда уларнинг мажбурийлик хусусиятини бекор қилиш ва ихтиёрийлигини таъминлаш юзасидан белгиланган тартибда зарур чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги техник регламентнинг мақсади, мазмуни, уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 18 май,
290-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 18 майдаги 290-сон қарорига
1-ИЛОВА

Тамаки маҳсулотлари тўғрисида ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Мақсади ва қўллаш доираси

1. Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент) Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига талабларни белгилаш орқали фуқароларнинг ҳаётини ёки соғлиғини муҳофаза қилиш, харидорларни (истеъмолчиларни) чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши ва бажарилиши мажбурий бўлган ягона талабларни белгилайди.

2. Мазкур Техник регламентнинг талаблари Техник регламентга 1-иловада* келтирилган Техник регламент талаблари қўлланиладиган тамаки маҳсулотлар ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари рўйхатига мувофиқ тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тамғалаш, сақлаш, ташиш ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини тамғалашга нисбатан қўлланилади.

3. Техник регламент:

экспорт қилишга ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит учун мўлжалланган;

юрidik шахслар томонидан кўргазмали намуналар, синовлар учун намуналар сифатида сотиш мақсадисиз олиб кирилган;

жисмоний шахслар, жумладан, чет эл фуқаролари томонидан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва кейинчалик сотиш мақсадисиз олиб кирилган тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига нисбатан қўлланилмайди.

4. Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари мазкур Техник регламент талабларига мувофиқ бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилади.

Агар бошқа Техник регламентларда тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари ёки тамаки маҳсулотларининг айрим турларига талаблар белгиланган бўлса, у ҳолда ушбу тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари ёки тамаки маҳсулоти турлари уларга нисбатан қўлланиладиган барча техник регламентларнинг талабларига жавоб бериши керак.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-§. Атамалар ва таърифлар

5. Мазкур Техник регламентда қуйидаги атама ва таърифлар қўлланилади:

— тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини мазкур Техник регламентни қўллаш соҳасига тааллуқли эканлигини аниқлаш;

идентификация қилиш натижаси — идентификация қилинадиган маҳсулот ва мосламаларни Техник регламентга 1-иловада келтирилган тамаки маҳсулотларига ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари турига тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаш;

импорт қилувчи — норезидент бўлган хорижий ҳамкорлардан олинган тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарувчи, ушбу мосламаларнинг Техник регламент талабларига мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган шахс;

ингредиент — тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва тайёр тамаки маҳсулотларида, шу жумладан, ўзгартирилган шаклда мавжуд бўлган модда (хом ашё бундан мустасно);

ишлаб чиқарувчи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз номидан тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан қонунчиликда белгиланган тартибда шуғулланувчи ҳамда ушбу мосламаларининг Техник регламент талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган юридик шахс, жумладан, хорижий ишлаб чиқарувчи;

ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс — қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хорижий ишлаб чиқарувчи билан тузилган шартнома асосида ушбу ишлаб чиқарувчи номидан мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) бўйича ҳаракатларни амалга оширувчи ва тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритиш, шунингдек, тамаки маҳсулотларининг Техник регламент талабларига мувофиқ келмаслиги учун жавобгар шахс;

кафолатланган сақлаш муддати — ишлаб чиқарувчи (импорт қилувчи) томонидан транспортда ташиш ва сақлашга доир шартларга риоя этилган тақдирда, ишлаб чиқарувчи томонидан тамаки маҳсулотларининг Техник регламент талабларига мувофиқлиги кафолатланган сақлаш муддати (ойларда);

картриж (капсула) — никотин етказиб беришнинг ёпиқ турдаги электрон тизими билан биргаликда фойдаланиш учун махсус ишлаб чиқилган, саноат усулида никотинли ёки никотинсиз суюқлик билан тўлдирилган ва фойдаланувчи томонидан қайта тўлдириш учун мўлжалланмаган бир марталик маҳсулот;

контейнер — никотин етказиб беришнинг очиқ турдаги электрон тизими билан биргаликда ишлатиш учун махсус ишлаб чиқилган, фойдаланувчи томонидан мустақил равишда никотинли ва никотинсиз суюқлик билан тўлдириш (қайта тўлдириш) учун мўлжалланган кўп маротаба ишлатиладиган буюм.

Контейнер истеъмолчига электрон никотин етказиб беришнинг очик турдаги электрон тизими билан биргаликда (курулманинг таркибий қисми сифатида) ёки никотинли ва никотинсиз суюқликни ўз ичига олган мустақил товар сифатида сотилиши мумкин;

лицензиар — товар белгисига бўлган ҳуқуққа эга, лицензия шартнома-си асосида бундай товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи юридик ёки жисмоний шахс;

никотин — тамакининг барглари ва поялари таркибида мавжуд бўлган ёки синтез йўли билан олинган алкалоид;

суқма варақ — тамаки маҳсулотларининг истеъмол ўрови ичига жойланган ва Техник регламентга зид бўлмаган маълумотлар жойлаштирилган варақ. Суқма варақдан истеъмолчи ўровнинг ташқарисиди, жумладан, унинг қадоқлаш плёнкаси ёки бошқа шаффоф ўраш материали остида фойдаланишга йўл қўйилмайди;

тамаки — тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хом ашё олиш мақсадида етиштириладиган, *Nicotiana Tabacum* ва *Nicotiana Rustica* турларига тегишли итузумдошлар оиласига мансуб бўлган *Nicotiana* навидаги ўсимлик;

тамаки маҳсулоти — чекиш, жумладан, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланган ҳолда чекиш, шунингдек, шимиш, чайнаш, ҳидлаш ёки бошқача усулларда истеъмол қилиш учун хом ашё сифатида тўлиқ ёки қисман тамаки баргидан ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмларидан тайёрланган маҳсулотлар (қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган дори воситалари бундан мустасно).

Қуйидагилар тамаки маҳсулотлари жумласига киради:

таркибида хом ашё сифатидаги тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлган маҳсулот. Чекиладиган маҳсулотлар (папирослар, сигаралар, сигареталар, сигариллалар (сигариталар), қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чилим учун тамаки, ингичка қирқилган, чекиладиган тамаки, трубка учун тамаки) ва чекилмайдиغان маҳсулотлар (носвой, тамакили снюс, ҳидланадиган тамаки, чайналадиган тамаки) шундай маҳсулот бўлиши мумкин;

таркибида никотин ёки никотиннинг ҳосилалари, жумладан, никотин тузлари, эритмалари, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотинли геллар мавжуд бўлган, лекин тамаки барги ва (ёки) ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлмаган маҳсулот. Чекиладиган маҳсулотлар (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинли суюқликлар, никотин суюқлиги бўлган электрон сигареталар, чилим учун никотинли аралашмалар) ва чекилмайдиغان маҳсулотлар (никотинли снюс) шундай маҳсулот бўлиши мумкин;

таркибида тамаки ва никотин мавжуд бўлмаган, лекин тамаки ва никотинни истеъмол қилиш мосламалари билан бирга фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулот (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинсиз суюқликлар, никотинсиз суюқлиги бўлган электрон сигареталар, чилим учун никотинсиз қоришмалар);

тамаки маҳсулотининг блоки — тамаки маҳсулотларининг муайян

микдордаги истеъмол ўровларини ўз ичига олган гуруҳли истеъмол идиши бирлиги;

тамаки маҳсулоти ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламасининг номи (бренд) — ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган тамаки маҳсулоти ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаси белгиси;

тамаки маҳсулотининг ва тамакини ҳамданикотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўрови (қутиси) (кейинги ўринларда — истеъмол ўрови) — тамаки маҳсулотини ва (ёки) тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасини бевосита жойлаш ва уни охириги истеъмолчига реализация қилиш учун мўлжалланган, транспортда ташиш ва сақлашнинг тайёрловчи томонидан белгиланган шартларига риоя этилганда, кафолатланган сақлаш муддати ичида уларнинг истеъмол хоссалари сақлашни таъминлайдиган ўров;

тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари — таркибида никотин бўлган ёки никотин бўлмаган истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозолни (буғни, тутунни) олиш учун фойдаланиладиган электрон ёки бошқа асбоблар (мосламалар), шу жумладан, никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари, тамакини қиздириш тизимлари, чилимлар, трубкалар, муштуклар, шунингдек, уларнинг таркибий қисмлари ва элементлари (бундан тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно);

тамга — маҳсулотни идентификациялаш ва у ҳақидаги маълумотларни истеъмолчига етказиш мақсадида қадокқа ёки ёрликқа босиладиган матн, шартли белги ва (ёки) график тасвир кўринишидаги маълумот;

таркибида никотин мавжуд бўлган маҳсулотлар — чекиш, ши-миш, чайнаш, ҳидлаш ёки бошқача усулларда, шу жумладан, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламалари ёрдамида истеъмол қилиш учун фойдаланишга тайёрланган, таркибида никотин ёки унинг ҳосилалари, шунингдек, никотин тузлари, эритмалари бўлган маҳсулотлар, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотин мавжуд бўлган геллар (қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган дори воситалари ва таркибида никотин табиий ҳолда мавжуд бўлган озик-овқат маҳсулотлари бундан мустасно);

тиббий огоҳлантириш — тамаки маҳсулоти ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўровига жойлаштириладиган тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот;

транспорт қадогои — агрегациялаш жараёнида истеъмол ёки гуруҳли қадокдаги (блок) тамаки маҳсулотларини бирлаштирувчи, жойдан жойга кўчиришда шикастланишдан маҳсулотни ҳимоялаш мақсадида унинг сақла-ниши ва транспортда ташиш учун қўлланувчи ва мустақил транспорт бирлигини ҳосил қилувчи (жумладан, биринчи даража транспорт қадогои ҳамда кейинги даража транспорт қадоклари) қадок;

углерод монооксиди — углеродни ўз ичига олган тўлиқ ёнмайдиган маҳсулот;

фильтр — чекиладиган тамаки маҳсулотларининг айрим турларини

ишлаб чиқариш жараёнида ўрнатиладиган, улар чекилганда тамаки тутунининг бир қисмини ушлаб туришни таъминлайдиган қурилма;

хом ашё — тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, йиғиб олингандан кейин ва (ёки) бошқа саноат қайта ишлашдан ўтган тамаки ва никотин;

хушбўй моддалар — ўзига хос ҳид ва (ёки) таъм берувчи ингредиентлар, шу жумладан, хушбўйлаштирувчи моддалар;

яроқлилиқ муддати — ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган давр бўлиб, бу даврда тамаки маҳсулоти Техник регламент талабларига мувофиқлиги кафолатланади;

чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари — шимиш, чайнаш ёки ҳидлаш учун мўлжалланган тамаки маҳсулоти;

катрон — таркибида никотин бўлмаган тамаки тутунининг сувсизланган конденсати.

2-боб. Тамаки маҳсулотларни аниқлаш қоидалари

6. Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини идентификация қилиш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

уларни мазкур Техник регламентни қўллаш соҳасига киритиш;

маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс ёки импорт қилувчи томонидан берилган маълумотга мувофиқлигини тасдиқлаш;

бозорнинг барча иштирокчилари манфаатлари муҳофазасини таъминлаш.

7. Тамаки маҳсулотларини қўйидагилар идентификация қилади:

ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берилган шахс), импорт қилувчи (сотувчи);

маҳсулот мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш мақсадида сертификатлаштириш органи;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаладаги маҳсулотларнинг Техник регламентлар талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида ваколатли давлат органлари.

8. Тамаки маҳсулотларини ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини идентификация қилиш бир ёки бир нечта усуллар билан амалга оширилади:

визуал усуллар:

а) истеъмол ўровида истеъмолчи учун кўрсатилган маълумотга кўра — истеъмол ўровида кўрсатилган маҳсулот тури номини Техник регламентда кўрсатилган тамаки маҳсулотлари турлари таърифлари билан солиштириш орқали;

б) никотин борлиги бўйича — истеъмол ўровида никотин борлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текшириш орқали;

в) қўллаш усули бўйича — истеъмол ўровида ёки суқма варақда тамаки маҳсулоти истеъмол қилиш учун керак бўлган мосламага (тури, маркаси, модели) ёки истеъмол қилиш учун мосламадан фойдаланиш назарда тутилмаса,

тамаки маҳсулотини истеъмол қилинадиган усулига кўрсатма мавжудлигини текшириш орқали;

инструментал усуллар:

а) қиздириш учун мўлжалланган тамаки маҳсулотлари таркибида никотиннинг мавжудлиги;

б) истеъмолчи ўровидаги ёки сукма варақ маълумотларга мувофиқ таркибида қиздириладиган тамаки ёки тамакисиз аралашма мавжуд маҳсулотни истеъмол қилганда ёниш жараёнининг йўқлиги.

Ёниш жараёнининг йўқлиги 100 см³ аэрозолда углерод оксиди (СО), азот оксиди (NO) ва азот оксидлари (NO_x) миқдорини ўлчаш йўли билан аниқланади. Ушбу моддаларнинг қиздириладиган тамаки маҳсулоти аэрозолидаги миқдори қўйидаги жадвалда белгиланган йўл қўйиладиган энг юқори даражадан ошмаслиги керак.

| Т/р | Модда | Ўлчов бирликлари | 100 см ³ аэрозолдаги мумкин бўлган энг юқори даража |
|-----|-----------------------------------|-------------------------|--|
| 1. | Углерод оксиди (СО) | мг/100 см ³ | 0.3 (ишонч оралиғи ± 20%) |
| 2. | Азот оксиди (NO) | мкг/100 см ³ | 4.0 (ишонч оралиғи ± 20%) |
| 3. | Азот оксидлари (NO _x) | мкг/100 см ³ | 5.0 (ишонч оралиғи ± 20%) |

9. Тамаки маҳсулотларини инструментал усуллар билан идентификация қилиш амалиёти тамаки маҳсулотларини визуал усуллар билан идентификация қилиш мумкин бўлмаган тақдирда қўлланилади. Бундай идентификация услуги стандартлар рўйхатига киритилган стандартларда белгиланган тадқиқот (синовлар) ва ўлчовлар усулларига мувофиқ аккредитация қилинган синов лабораторияларида (марказларида) тадқиқотлар (синовлар) ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3-боб. Тамаки маҳсулотларига ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларига қўйиладиган талаблар

1-§. Тартибга солинадиган моддалар таркибининг мумкин бўлган энг юқори кўрсаткичлари

10. Бир дона сигареталар тутунидаги катрон миқдори:

филтрли сигаретада ўн миллиграмдан;

филтрсиз сигаретада ўн олти миллиграмдан ошмаслиги керак.

11. Бир дона филтрли сигарета тутунида углерод монооксидининг миқдори ўн миллиграмдан ошмаслиги керак.

12. Бир дона сигарета (филтрли ёки филтрсиз) ёки қиздириладиган тамаки маҳсулоти аэрозолида (буғида, тутунида) никотин миқдори бир миллиграмдан ошмаслиги керак.

Филтрли сигарета ва филтрсиз сигаретани ишлаб чиқаришда таркибида тамаки ва никотин мавжуд бўлган қоғоз, филтр ва капсулалардан фойдаланиш мумкин эмас.

13. Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқликда ёки никотин эритма-

сида (шу жумладан, никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинли суюқликларда, шунингдек, электрон сигареталарнинг никотинли суюқликларида) никотин концентрацияси бир миллилитрда йигирма миллиграммдан ошмаслиги керак.

14. Никотинли ва никотинсиз суюқликлар солинган картриж (капсула) ҳажми икки миллилитрдан ошмаслиги керак.

Никотинли ва никотинсиз суюқликлар қуйиш учун сифимнинг (контейнернинг) ҳажми ўн миллилитрдан ошмаслиги керак.

Электрон сигарета резервуарининг ҳажми беш миллилитрдан ошмаслиги керак.

15. Таркибида тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари бўлган чекиладиган тамаки маҳсулотлари учун кимёвий ва микробиологик моддалар миқдорининг йўл қўйиладиган энг юқори даражалари Техник регламентга 2-иловага* мувофиқ белгиланган.

2-§. Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё ва ингредиентлар учун талаблар

16. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё ва ингредиентлар келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши керак. Зарарли моддалар миқдорининг йўл қўйиладиган энг юқори даражалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келиши керак.

17. Сақлаш шароитлари хом ашё ва материалларнинг шикастланишини олдини олиши, уларнинг истеъмол хусусиятларининг ўзгаришини ва уларни ифлослантирувчи моддалардан ҳимоя қилишни таъминлаши керак.

18. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қуйидаги ингредиентлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикасида муомаласи тақиқланган моддалар;

Техник регламентга 3-иловадаги* тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ингредиентлар сифатида фойдаланишга рухсат этилмайдиган моддалар.

19. Таркибида никотин мавжуд бўлган ва никотин мавжуд бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қуйидаги моддалардан уларнинг тозалиги қуйидаги жадвалда кўрсатилгандан кам бўлмаганда фойдаланишга рухсат этилади.

| Т/р | Модда | Талаб |
|-----|---------------------------|------------------------------|
| 1. | Глицерин | минимал тозалик даражаси 94% |
| 2. | Пропилен гликол | минимал тозалик даражаси 95% |
| 3. | Никотин (никотин тузлари) | минимал тозалик даражаси 99% |

20. Техник регламентнинг 8 ва 19-бандларида келтирилган жадвалларда, 10 — 15-бандларида, 2-иловада кўрсатилган моддалар таркибини ва миқдори-

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни аниқлаш, улардан намуналар олиш қоидалари ҳамда ушбу моддаларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаш қоидалари Техник регламент билан тартибга солинадиган маҳсулотлардан намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатига кирган стандартлар билан белгиланилади.

21. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган хом ашёга ундаги пестицидлар таркибининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар илова қилиниши керак.

3-§. Мосламалар билан истеъмол қилиш учун мўлжалланган никотинли ва никотинсиз маҳсулотлар учун талаблар

22. Мосламалар билан истеъмол қилиш учун мўлжалланган никотинли ва никотинсиз маҳсулотлар фақат Техник регламентнинг 35-банди 8-кичик бандига мувофиқ уларнинг истеъмол ўровида ва (ёки) изоҳларида кўрсатилган тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари билан қўлланилиши керак.

23. Суюқлик билан тўлдирилган идиш (резервуар ва контейнер) ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари ташқи таъсирларга чидамли бўлиши, тўкилиш ва синишидан ҳимоя қилишни таъминлайдиган конструкцияга ёки механизмга эга бўлиши керак.

Агар резервуар, контейнер ёки тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари фойдаланувчи томонидан мустақил равишда тўлдириш имконини берса, унда тўкилишсиз тўлдиришни кафолатлайдиган конструкцияга ёки механизмга эга бўлиши керак.

Ушбу бандда, шунингдек, Техник регламентнинг 8-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқлигини баҳолаш усуллари, Техник регламент талабларини қўллаш ва амалга ошириш ҳамда мувофиқликни баҳолаш учун зарур бўлган тадқиқот (синов) ва ўлчов қоидалари ҳамда усуллари, шу жумладан, намуна олиш қоидаларини ўз ичига олган стандартлар рўйхатига киритилган стандартларда белгиланади.

4-§. Ташиш ва сақлаш шартларига қўйиладиган талаблар

24. Тамаки маҳсулотлари амалдаги юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ транспорт турларида ташилади. Транспорт воситалари ёпик, қурук, тоза ва бегона ҳидлардан ҳоли бўлиши керак.

25. Тамаки ва озиқ-овқат маҳсулотлари ёки бошқа товарларни бир вақтнинг ўзида ташишда уларнинг бир-бирига тегиши, ифлосланиши ва тамаки маҳсулотлари хусусиятларининг ўзгаришини истисно қиладиган шартлар таъминланиши керак.

26. Тамаки маҳсулотларини сақлаш шароитлари уларнинг истеъмол хусусиятларининг бузилиши ва ўзгаришининг олдини олишни, ифлослантирувчи моддалардан ҳимоя қилишни таъминлаши керак.

Тамаки маҳсулотларининг қафолатланган сақлаш муддати ва сақлаш шартлари ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланади.

27. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган қафолатланган сақлаш муддати ёки яроқлик муддати давомида Техник регламент талабларига мувофиқ бўлиши керак.

4-боб. Ишлаб чиқариш ва муомалага чиқаришга қўйиладиган талаблар

28. Тамаки маҳсулотларини ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ишлаб чиқарувчилар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган тамаки маҳсулотининг ҳар бир тури бўйича технологик йўриқ-номалар мавжудлигини таъминлаши шарт.

29. Ишлаб чиқарувчилар ва ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахслар Техник регламент билан тартибга солинадиган тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда:

тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган хом ашё, қадоқлаш материаллари, технологик воситалар ва ёрдамчи материаллар назорат қилинишини;

тамаки маҳсулотларининг ифлосланишини истисно қиладиган ишлаб чиқариш бинолари, технологик ускуналар ва инвентарлардан тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилишини;

ходимларнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари учун шароит мавжудлигини;

тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш ва омборхоналар, технологик ускуналар ва инвентарларни тозалаш, ювиш, дезинфекция қилиш, зарарсизлантириш ҳамда дератизация усуллари ва даврийликни қўлланилишини таъминлаши керак.

30. Ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган тамаки маҳсулотларини импорт қилувчи ҳар йили, ҳисобот календарь йилидан кейинги йилнинг биринчи чорагининг охиригидан кундан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига Техник регламентга 4-иловада* белгиланган шаклга мувофиқ ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотларида никотин ва таркибида инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар миқдори йўл қўйиладиган энг юқори даражалари бўйича лаборатория текширувлари натижалари тўғрисида ҳисобот (кейинги ўринларда — ҳисобот) бериши шарт.

31. Ҳисобот Ўзбекистон Республикасида фойдаланишга топширилган ва ҳисобот таркибидаги маълумотлар узатилиши ва сақланиши махфийлигини таъминлаган ҳолда, почта алоқаси хизмати ёки электрон тизими орқали тақдим этилади.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-боб. Тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровларига жойлаштириладиган ахборотларга талаблар

1-§. Қадоклаш талаблари

32. Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари истеъмол ўровига қадокланиши шарт.

33. Филтрли ва филтрсиз сигаретанинг истеъмол ўровида камида йигирмата сигарета бўлиши керак.

34. Истеъмол ўровининг ташқи майдони Техник регламент талаблари асосида тиббий оғохлантиришни жойлаштириш имкониятини таъминлаши керак.

2-§. Тамғалаш талаблари

35. Тамға тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари истеъмол ўровларига ишлаб чиқарувчи томонидан босилади ва унда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

1) маҳсулот турининг номи. Бунда тамаки маҳсулоти турининг номини тамаки маҳсулотлари ҳақидаги бошқа маълумотлар билан биргаликда қўллашга рухсат этилади, масалан, «20 дона филтрли сигареталар», «50 грамм трубкали тамаки»;

2) рўйхатдан ўтган товар белгиси ёки номи;

3) истеъмолчиларнинг даъволарини қабул қилиш учун ишлаб чиқарувчи ваколат берган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган ташкилотнинг номи, манзили (амалдаги манзили) ва телефон рақами ва (ёки) электрон почта манзили (бундай шахс бўлмаган тақдирда, истеъмолчиларнинг даъволари ушбу тамаки маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ишлаб чиқарувчиси ёки импорт қилувчиси томонидан қабул қилиниши кўрсатилади).

Ваколатли ташкилотнинг номи, манзилини истеъмол ўровининг ички томонида ўров очилганидан сўнг ўқиш учун қулай бўлган жойга жойлаштиришга йўл қўйилади;

4) ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчининг номи ва манзили (амалдаги манзили), шунингдек, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи мамлакат (масалан, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»);

5) истеъмол ўровидаги маҳсулотлар сони (сигареталар ва бошқа чекиладиган доналарга тақсимланган тамаки маҳсулотлари учун), сони ва массаси (қиздириладиган тамаки учун), ҳажми (никотинли ва никотинсиз суюқликлар учун) ва бошқа тортиладиган маҳсулотларнинг вазни ҳақидаги маълумотлар. Бунда ҳақиқий ҳажм ёки массани истеъмол ўровида кўрсатилган ҳажм ёки массага нисбатан 10 фоизгача кўп ёки кам бўлишига рухсат этилади;

6) ушбу бобнинг 3-параграфига мувофиқ тиббий оғохлантириш;

7) таркибида никотин мавжудлиги ҳақида давлат тилидаги матн кўринишидаги ахборот (филтрли ёки филтрсиз сигареталар учун татбиқ этилма-

ди). Бунда қўйидаги матн акс эттирилади: «Никотинсиз маҳсулот», «Никотинли маҳсулот», «Таркибида никотин мавжуд»);

8) истеъмол қилиш учун мўлжалланган мосламанинг номи ва (ёки) товар белгиси ва (ёки) номи (тури, модели) (мосламасиз истеъмол қилишга мўлжалланган тамаки маҳсулоти учун татбиқ этилмайди);

9) битта сигаретанинг тутунидаги қатрон ва никотин миқдори ҳақидаги маълумот (филтрли ёки филтрсиз сигареталар учун);

10) «21 ёшга тўлмаган шахсларга сотиш тақиқланади» огоҳлантириш ёзуви;

11) тамаки маҳсулотлари ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ишлаб чиқарилган оғи ва йили;

12) кафолатлаган яроқлилиқ муддати (никотинли ва никотинсиз суюқликлар учун). Яроқлилиқ муддати ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланади, лекин сақлаш шартларига кўра уч йилдан ортмайди;

13) тамаки маҳсулотларига нисбатан, товарларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимидаги маълумотларни йиғиш терминаллари, махсус (мобил) иловалар ва лазер сканерлари орқали ўқилиши ва аниқланишини таъминлайдиган икки ўлчамли код кўринишидаги мажбурий рақамли идентификациялаш воситаси (маркировка кодлари).

Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари тамғасида кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс ёки импорт қилувчи бундай ўзгаришларни киритиш бўйича тегишли ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб ўн икки ой ичида истеъмол ўровлари тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда муомилага чиқарилишини таъминлаши шарт. Бунда ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс ёки импорт қилувчи белгиланган муддат давомида тамаки маҳсулотларини аввалги маълумотлар билан муомалага чиқаришга ҳақли.

36. Транспорт қадоғидаги тамға қўйидаги маълумотлардан ташкил топган бўлиши керак:

ишлаб чиқарувчининг номи ва юридик манзили;

импорт қилувчининг номи ва юридик манзили (импорт қилинадиган маҳсулотлар учун);

тамаки маҳсулотларининг номи;

транспорт қадоғидаги тамаки маҳсулотлари сони;

сертификатлаш тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарилган оғи ва йили;

кафолатланган сақлаш муддати;

«Намлиқдан сақлансин», «Иссиқликдан узоқроқ тутилсин» манипуляция белгилари;

сақлаш шартлари «Салқин ва қуруқ жойда сақлансин»;

ҳар бир тамаки маҳсулотнинг маркировка кодларини бирлаштирувчи (агрегациялаш), товарларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимидаги маълумотларни йиғиш терминаллари, махсус (мобил) иловалар ва лазер сканерлари орқали ўқилиши ва аниқланишини

таъминлайдиган икки ўлчамли код кўринишидаги мажбурий рақамли идентификациялаш воситаси (агрегация кодлари).

37. Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровига тамға тушириш воситалари ва технологиялари ушбу маҳсулотларни бутун кафолатланган сақлаш муддати давомида сақлаш, ташиш ва реализация қилиш жараёнларида истеъмол ўровидаги тамғанинг бут сақланишини таъминлаши лозим.

38. Тамға, тамаки маҳсулотининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасининг номи ва тиббий огоҳлантиришдан ташқари, истеъмол ўровини очишда ёзувлар яхлитлигини бузилмайдиган қилиб босилиши лозим.

39. Тамаки маҳсулотларининг истеъмол ўровларида чоп этилган маълумотлар, акциз маркаларидан ташқари бошқа босма маълумотлар билан ёпилмаслиги керак. Тамаки маҳсулотини шаффоф ўраш плёнкаси ёки истеъмолчи қадоқлашнинг бошқа ташқи ўраш материалида маълумот бўлмаслиги керак.

40. Тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровида, суқма варақда:

мазкур маҳсулот бошқа тамаки маҳсулотларидан зарарсизроқ эканлиги ҳақида бевосита ёки билвосита тасаввур ҳосил қиладиган ҳар қандай атамаларни, таърифларни, белгиларни, рамзларни ёки бошқа ишораларни;

бевосита ёки билвосита тамаки маҳсулотларининг жозибадорлигини оширувчи таъм, хид, хушбўй хид берувчи қўшимчалар ва бошқа моддалар борлигини ёхуд уларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатувчи ҳар қандай атамаларни, таърифларни, белгиларни, рамзларни ёки бошқа ишораларни;

озик-овқат маҳсулотларининг, дори воситаларининг, доривор ўсимликларнинг тасвирларини, шунингдек, тамаки маҳсулотининг озиқ-овқат маҳсулоти, дори воситаси ёки доривор ўсимлик билан бевосита ёки билвосита ўзаро боғлиқлиги ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган сўзларни ёки сўз бирикмаларини;

тамаки маҳсулотларининг қанча тез биологик парчаланиши ёки атроф табиий муҳитга бошқача тарзда мақбул таъсир кўрсатиши ҳақида бевосита ёки билвосита тасаввур ҳосил қиладиган ахборотни;

тамаки маҳсулотларининг рағбатлантирувчи, тетиклаштирувчи, шифобахш, ёшартирувчи ёки бошқа ижобий самарага эга эканлиги ҳақида бевосита ёки билвосита тасаввур ҳосил қиладиган ахборотни;

тамаки маҳсулотларининг зарарлилиги борасида истеъмолчини бевосита ёки билвосита чалғитадиган ахборотни, шу жумладан, «қатрон миқдори кам», «енгил», «жуда енгил», «юшоқ», «экстра», «ултра», «ингичка» каби сўзларни ёхуд бундай сўзлар билан бир ўзакли сўзларни, бундай сўзларнинг чет тиллардаги аналогларини, шунингдек, бундай сўзларнинг чет тиллардан таржима қилинадиган аналогларини жойлаштириш тақиқланади.

41. Истеъмол ўровларда, блок (қути) ва транспорт қадоғида тамаки маҳсулотларини тавсифловчи ва Техник регламент талабларига зид бўлмаган бошқа маълумотларни қўллашга рухсат этилади.

42. Агар маҳсулот тўғрисидаги маълумотни тамаки маҳсулотларининг истеъмол ўровларида тўлиқ акс эттириш иложи бўлмаса, бундай маълумотларни суқма варақда жойлаштирилиши мумкин.

43. Тамаки маҳсулотларининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровидаги маълумотлар давлат тилида босилади ва бошқа тилларда ҳам такрорланиши мумкин. Рўйхатга олинган товар белгиси ёки саноат намунасига киритилган сўзлар тарзидаги белги уни рўйхатдан ўтказган тилда қўлланилади.

3-§. Тиббий огоҳлантиришларни қўллашга қўйиладиган талаблар

44. Ҳар бир тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровида (чилимнинг ўрови бундан мустасно), шунингдек, тамаки маҳсулотларининг блокада матнли ёзув ёки тасвир кўринишидаги тиббий огоҳлантириш жойлаштирилади.

Чилим сувдонида унинг юзасининг камида олтмиш беш фоизини эгаллайдиган, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш туфайли юзага келган касаллик оқибатларини кўрсатувчи тасвир ва тегишли мазмундаги матн тарзида тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

45. Тамаки маҳсулотларининг истеъмол ўровида (қутисида) унинг олд томонининг юқори қисмидаги асосий юзасининг камида олтмиш беш фоизини ҳамда орқа томонининг пастки қисмидаги асосий юзасининг камида олтмиш беш фоизини эгаллайдиган, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш туфайли юзага келган касаллик оқибатларини кўрсатувчи тасвир ва тегишли мазмундаги матн тарзида тиббий огоҳлантириш босилади.

Тиббий огоҳлантириш матни тамаки маҳсулотлари истеъмол ўровининг юқори четига параллель равишда жойлаштирилиши ва давлат тили ҳамда рус тилларида босилиши лозим.

46. Тамаки маҳсулотларининг блокада тамаки маҳсулоти блоки горизонтал жойлаштирилганда, чап қисмида олд ва орқа томонида ҳамда вертикал жойлаштирилганда, юқори қисмида асосий юзанинг камида олтмиш беш фоизини эгаллайдиган, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш туфайли юзага келган касаллик оқибатларини кўрсатувчи тасвир ва тегишли мазмундаги матн тарзида тиббий огоҳлантириш босилади.

Блокда тиббий огоҳлантиришлар, истеъмол ўровида жойлаштириш талабларига мувофиқ блокнинг олди ва орқа томонларида тиббий огоҳлантиришдаги маълумотларни мутаносиб масштаблаштиришни инобатга олган ҳолда жойлаштирилади.

Мазкур талаб шаффоф полиэтилен плёнкадан тайёрланган тамаки маҳсулотлари блокларига нисбатан татбиқ этилмайди.

47. Тамаки баргидан ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмларидан тайёрланган маҳсулотлар, трубка ва муштук истеъмол ўровига ҳамда чилим сувдонида (носвой, қиздириладиган тамаки маҳсулотлари бундан мустасно) жойлаштириладиган тиббий огоҳлантириш намуналари тўплами Техник регламентга 5-иловага* мувофиқ;

Қиздириладиган тамаки маҳсулотлари истеъмол ўровига жойлаштирила-

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

диган тиббий огоҳлантириш намуналари тўплами Техник регламентга 6-иловага* мувофиқ;

Таркибида никотин ёки никотиннинг ҳосилалари, шу жумладан, никотин тузлари, эритмалари, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотинли геллар мавжуд бўлган, лекин тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлмаган маҳсулотлар ҳамда таркибида тамаки ва никотин мавжуд бўлмаган, лекин тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари билан бирга фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулотлар, истеъмол ўровига жойлаштириладиган тиббий огоҳлантириш намуналари тўплами Техник регламентга 7-иловага* мувофиқ;

Носвой истеъмол ўровига жойлаштириладиган тиббий огоҳлантириш намуналари тўплами Техник регламентга 8-иловага* мувофиқ жойлаштирилади.

Бунда:

тиббий огоҳлантириш тасвирининг ўлчамлари камида 300 dpi (дюймдаги нуқта) бўлиши керак;

тиббий огоҳлантириш тасвирлари айланиш принципига мувофиқ қўлланилади.

Техник регламентнинг 48 — 50-бандларида белгиланган тартибда тиббий огоҳлантиришнинг томонлари нисбати ўзгарганда:

тасвир билан банд бўлмаган, лекин у учун ажратилган майдон истеъмол ўрови асосий юзасининг кенглигига ва блок ўрови асосий юзасининг баландлигига (горизонтал жойлаштирилганда) ёки кенглигига (вертикал жойлаштирилганда) Pantone 448C рангига мос келадиган ранг билан тўлдирилади. Тасвирни эгаллаган майдон ва Pantone 448C ранги билан тўлдирилган майдон жами истеъмол ўрови ва блокнинг ҳар бир асосий юзаси майдонининг камида олтимиш беш фоизини ташкил қилиши керак;

тасвир билан банд бўлмаган майдон қолганда ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчи ваколат берилган шахс ва импорт қилувчи томонидан ушбу майдон тиббий огоҳлантириш тасвири билан тўлдириш мақсади билдирилса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли тиббий огоҳлантириш тасвирининг ўлчамларини ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахс ва импорт қилувчи томонидан тақдим этилган истеъмол ўровлари ўлчамларини камида 65 фоизини қоплайдиган қилиб ўзгартириб беришга рухсат берилади. Бунда тасвир билан банд бўлмаган, лекин у учун ажратилган майдонни Pantone 448C рангидан фойдаланиш талаб этилмайди.

48. Агар тамаки маҳсулотлари блоки ва истеъмол ўровининг олд ёки орқа томонлари асосий юзасининг баландлиги ва кенглиги нисбати 1,28 дан кам бўлса, у ҳолда:

тиббий огоҳлантиришнинг майдони ундаги тасвир майдони блок ва истеъмол ўровининг ҳар бир асосий томони майдонининг камида олтимиш беш фоизини ташкил этадиган тарзда ўзгартирилади;

тиббий огоҳлантириш тасвири блокларининг олд ва орқа асосий томонлари чап бурчагига жойлаштирилади.

* 6 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда жойлаштириладиган тасвир томонлари нисбатини тасдиқланган тиббий огоҳлантириш намуналарининг томонлари нисбатидан ўттиз беш фоиздан кўп бўлмаган миқдорга кенгайтиришга рухсат этилади.

49. Агар тамаки маҳсулотлари блоки ва истеъмол ўровининг асосий олд ёки орқа томонлари асосий юзасининг баландлиги ва кенглиги нисбати 1,28 дан ортиқ ва 1,92 дан кам бўлса, тиббий огоҳлантиришнинг майдони ундаги тасвир майдони блоки ва истеъмол ўровининг ҳар бир асосий томони майдонининг камида олти беш фоизини ташкил этадиган тарзда ўзгартирилади.

Бунда жойлаштириладиган тасвир томонлари нисбатини тасдиқланган тиббий огоҳлантириш намуналарининг томонлари нисбатидан йигирма беш фоиздан кўп бўлмаган миқдорга кенгайтиришга рухсат этилади.

50. Агар тамаки маҳсулотлари истеъмол ўровининг ва блокнинг олд ёки орқа томонлари асосий юзасининг баландлиги ва кенглиги нисбати 1,92 дан ортиқ бўлса, у ҳолда:

тиббий огоҳлантириш тасвир ўлчами унинг кенглиги истеъмол ўров ва блокнинг кенглигига мос келадиган тарзда ўзгартирилади;

огоҳлантирувчи тасвирга қўйилган матн (матннинг бир қисми) оқ бош ҳарфлар билан, қалин, аниқ, ўқишга қулай шрифтда, иложи бўлса, унинг ҳажмини энг узун сатр ажратилган майдоннинг четига етиб боргунга қадар катталаштириш керак. Сатр оралиғи шрифт баландлигидан ошмаслиги керак.

Бунда жойлаштириладиган тасвир томонлари нисбатини тасдиқланган тиббий огоҳлантириш намуналарининг томонлари нисбатидан йигирма беш фоиздан кўп бўлмаган миқдорга кенгайтиришга рухсат этилади.

51. Тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўровида, чилимнинг ўрови бундан мустасно, ўров асосий томонлари юзасининг камида олти беш фоизини эгаллайдиган матнли ёзув ва (ёки) тасвир кўринишидаги тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

52. Тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўровида (чилимнинг истеъмол ўрови бундан мустасно) «Ушбу қурилма соғлигингизга зарар етказадиган ва қарамликка олиб келадиган тамаки ёки никотинни истеъмол қилиш учун мўлжалланган. Болалар қўли етмайдиган жойда сақлансин!» деган тиббий огоҳлантириш жойлаштирилиши лозим.

Ёзув матни оқ фонда қора ҳарфлар билан қалин, аниқ, ўқилиши осон шрифтда қўлланилади. Ёзув қалинлиги камида 1 мм бўлган қора рамкага жойлаштирилади. Рамка билан ўралган майдон, шу жумладан, рамканиннг ўз майдони, истеъмол ўровининг олд томони юқори қисмида, асосий юзасининг камида олти беш фоизига тенг бўлган майдони ва орқа томони асосий юзасининг камида олти беш фоизини эгаллаши керак.

Бунда тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўрови бир нечта, шаффоф бўлмаган ўровлардан иборат бўлганда, тиббий огоҳлантириш уни охириги истеъмолчига реализация қилиш учун мўлжалланган қаватига жойлаштирилади.

53. 51 ва 52-бандлардаги талаблар тамакини ҳамда никотинни истеъмол

қилиш мосламаларининг тамаки маҳсулотини қиздириш орқали аэрозоль (тутун, буғ) ишлаб чиқиш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган таркибий қисмлар ва элементларининг истеъмол ўровларига нисбатан татбик этилмайди.

54. Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровларига жойлаштириладиган тиббий огоҳлантиришдаги ахборот кўпи билан уч йилда бир марта янгиланади.

Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг истеъмол ўровлари учун мўлжалланган тиббий огоҳлантириш тасвирлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббий огоҳлантириш намуналарининг амал қилиш муддати тугашидан бир йил олдин ишлаб чиқарилади.

6-боб. Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг Техник регламентга мувофиқлигини таъминлаш

55. Тамаки маҳсулотлари ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг мазкур Техник регламентга мувофиқлиги унинг талабларига бевосита риоя этиш орқали таъминланади.

56. Тамаки маҳсулотлари намуналарини танлаб олиш, тадқиқ қилиш (синаш) ва ўлчаш усуллари ушбу талабларни қўллаш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган тадқиқот (синаш) ва ўлчаш қоидалари ҳамда усуллари, шу жумладан, намуна олиш қоидалари техник регламентлар ва маҳсулот мувофиқлигини баҳолашни ўз ичига олган стандартлар рўйхатига киритилган стандартларда белгиланади.

7-боб. Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш)

57. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламалари Техник регламент талабларига мувофиқлиги бўйича баҳоланиши (тасдиқланиши) лозим.

Тамаки маҳсулотларининг мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш) тамаки маҳсулотларини ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахс) ёки импорт қилувчи (сотувчи) бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорларнинг аризасига кўра амалга оширилади.

58. Тамаки маҳсулотлари муомалага чиқарилгунга қадар қўйидаги схемалардан бирига мувофиқ мувофиқлик декларацияси шаклида мувофиқлиги тасдиқланиши керак:

сигареталар учун — 3д, 4д ва 6д схемалар;

бошқа турдаги тамаки маҳсулотлари учун — 1д ва 2д.

59. Тамаки маҳсулотларининг мувофиқлигини декларациялашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқарувчи

(ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс) ёки импорт қилувчи (сотувчи) ариза берувчи бўлиши мумкин.

60. Серияли ишлаб чиқарилган сигаретнинг мувофиқлик декларацияси 3д ва 6д схемалар, серияли ишлаб чиқарилган бошқа турдаги тамаки маҳсулотлари — 1д схема, сигаретлар партиялари — 4д схема, бошқа турдаги тамаки маҳсулотлари партиялари — 2д схема бўйича амалга оширилади.

61. Тамаки маҳсулотларининг мувофиқлигини декларациялашда ариза берувчи қуйидагилар бўлиши мумкин:

1д, 3д ва 6д схемалари учун — ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс);

2д ва 4д схемалар учун ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс) ёки импорт қилувчи (сотувчи).

62. Тамаки маҳсулотларининг мувофиқлигини декларациялаш схемаси ариза берувчи томонидан танланади.

63. 1д ва 2д схемалар бўйича тамаки маҳсулотларининг мувофиқлиги ариза берувчи томонидан ўз далиллари асосида декларацияланади. Тамаки маҳсулотлари намуналарини синовдан миллий аккредитация тизимининг реестрига киритилган аккредитацияланган синов лабораториясида (марказида) ўтказилади.

3д, 4д ва 6д схемалар бўйича тамаки маҳсулотларининг мувофиқлиги ариза берувчи томонидан ўз далиллари ва миллий аккредитация тизимининг реестрига киритилган аккредитацияланган синов лабораторияси (маркази) иштирокида олинган далиллар асосида декларацияланади.

64. Тамаки маҳсулотларининг мувофиқлигини декларациялашда ариза берувчи:

тамаки маҳсулотларининг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ишлаб чиқади ва таҳлил қилади, шу жумладан:

истеъмол қадоғи намунаси (мавжуд бўлса);

суқма варақ (мавжуд бўлса);

тамаки маҳсулотлари намуналарини ушбу Техник регламентлар талабларига мувофиқлигини синов баённома(лар)и (сигаретлар учун);

етказиб бериш шартномаси (контракт) ва юк ташиш ҳужжатлари (2д, 4д диаграммалари);

сифат менежменти тизими сертификати (сертификат нусхаси) (6д диаграммаси);

ариза берувчининг танловига кўра тамаки маҳсулотларининг ушбу Техник регламент талабларига, шунингдек, унга нисбатан қўлланиладиган Ўзбекистон Республикасининг бошқа техник регламентлари (мавжуд бўлса) талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун асос бўлган бошқа ҳужжатлар.

Ариза берувчи:

ушбу Техник регламентнинг 7 — 9-бандларига мувофиқ тамаки маҳсулотларини идентификациялашни амалга оширади;

ишлаб чиқариш назоратини таъминлайди ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради (1д, 3д ва 6д схемалар);

сифат менежменти тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради (6д диаграмма);

белгиланган тартибда тасдиқланган ягона шакл ва қоидаларга мувофиқ тузилган мувофиқлик декларациясини қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотнинг мувофиқлик белгисини қўллайди.

Мувофиқликни тасдиқлаш тартиб-таомилини тугатгандан сўнг, ариза берувчи ушбу банднинг иккинчи — саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар ва мувофиқлик декларациясини ўз ичига олган ҳужжатлар тўпламини шакллантиради.

65. Ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс) тамаки маҳсулотининг ҳар бир номи учун ёки бир турдаги ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотларининг ассортименти учун битта мувофиқлик декларациясини қабул қилишга ҳақли.

Импорт қилувчи (сотувчи) битта етказиб бериш шартномаси доирасида тамаки маҳсулотининг ҳар бир номи учун ёки бир турдаги тамаки маҳсулотларининг ассортименти учун битта мувофиқлик декларациясини қабул қилишга ҳақли.

66. Мувофиқлик декларацияси Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

1д, 3д ва 6д схемалар бўйича тамаки маҳсулотларининг мувофиқлигини декларациялашда мувофиқлик декларациясининг амал қилиш муддати 3 йил. Тамаки маҳсулотлари партияси учун мувофиқлик декларациясининг амал қилиш муддати белгиланмайди.

8-боб. Ўтиш даври

67. Техник регламент кучга кирган пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида техник тартибга солиш соҳасида амал қилувчи ва тамаки маҳсулотларига талаблар белгилувчи норматив ҳужжатлар Техник регламентга мувофиқлаштирилгунга қадар Техник регламентга зид бўлмаган қисмлари бўйича амал қилади.

68. Техник регламент кучга киргунга қадар тамаки маҳсулотларига берилган санитария-эпидемиология хулосалари ва мувофиқлик сертификатлари уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади.

9-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати

69. Техник регламентлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

70. Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 18 майдаги 290-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 1 февралдаги 74-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги Умумий техник регламентга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон қарори)» 2019 йил 25 декабрдаги 1034-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ–4821-сон қарори)» 2021 йил 21 декабрдаги 766-сон қарорига 1-илованинг 4-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**156** Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, унинг тузилмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига юкланган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма), Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви фойдаланишида бўлган Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Байтқўрғон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Навбахор» санаторийси дам олиш масканини тегишли ҳудуди ва ушбу дам олиш масканини ривожлантириш учун «Алоқа банк» АТдан олинган кредитининг қолган қисмини тўлаш мажбурияти билан биргаликда Уюшмага бепул бериш;

Уюшманинг Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасини ташкил этиш;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг бюджетдан ташқари «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармасини тугатиш;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимларига собиқ Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимларидан ўтган моддий-техник базани, хизмат автотранспорт воситаларини, бино ва иншоотларни Уюшмага бепул бериш;

Уюшма ҳузурида «Маҳалла» медиа-маркази, «Маҳалла» пресс-клуби ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизими ходимларининг малакасини ошириш ва маҳаллаларни методик таъминлаш ўқув-услубий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Уюшмага икки ой муддатда:

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда маҳаллалар ва «Маҳалла еттилиги» фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ва муаммоларни ҳамда аҳоли мурожаатларини қабул қилиш учун 24 соат узлуксиз ишлайдиган «Call-марказ» фаолиятини (республика доирасида ягона қисқа рақам) ўрнатилган тартибда йўлга қўйиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 майда эълон қилинган.

Уюшма хузурида «Маҳалла» медиа-маркази, «Маҳалла» пресс-клуби ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизими ходимларининг малакасини ошириш ва маҳаллаларни методик таъминлаш ўқув-услубий марказини Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши қарорига асосан ташкил этиш чораларини кўриш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг маҳалла фуқаролар йиғинидаги фаолияти юзасидан малакасини ошириш тизимини жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 1 июндаги 292-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла еттилиги», ёшлар сиёсати ва маънавият масалалари департаменти зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 18 май,
291-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 18 майдаги 291-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг (кейинги ўринларда — Уюшма) Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Уюшмада тузилади.

3. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида очилган Уюшманинг шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Уюшмага ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига ҳар йили ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашаридан тушадиган тушумларнинг 10 фоизи;
тизим ташкилотларининг соф фойдасидан 10 фоизи;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

ҳар йили бюджет параметрларида маҳаллаларнинг бошқарув тизими фаолиятини молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағларнинг бир қисми;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши ва Уюшма Жамғармага маблағлар тушишининг тўлиқлигини назорат қилади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

6. Жамғарма маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланилади:

маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш;

нуронийлар ва кексаларни маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва раҳмдиллик сингари аъъаналарни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кенг жалб этиш;

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини тўлақонли ва самарали жорий этиш;

«Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонларини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш;

«Маҳалла еттилиги» аъзоларини ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда улар орасида ўз фаолияти намунали ташкил этганларни рағбатлантириш;

кексалар ва фахрийлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмалари, фуқаролар йиғинларининг биноларини капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда уларни инвентарлар, мебель, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш;

Уюшма тизимидаги ходимларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда стажировка ўташи, хизмат сафарлари, шу жумладан, хорижий мамлакатларга ташрифларини, чет мамлакатларда ўтказиладиган конференция, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш харажатларини қоплаш;

Уюшма фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг ташрифларини ўтказиш ва ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар;

маҳаллалар фаолиятига оид тайёрланган услубий ва амалий қўлланмаларни нашр этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашининг қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш;

Уюшманинг аҳоли муаммолари масофадан тезкор қабул қилиниши ва кўриб чиқилишини мувофиқлаштириб боровчи «Call-марказ» ходимлари меҳнатига шартнома асосида ҳақ тўлаш;

маҳалла тизимида турли кўрик-танловларини ташкил этиш ва ўтказиш, фолиб ва совриндорларни рағбатлантириш;

маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган фаолларни рағбатлантириш;

Уюшмага юкланган вазифалар ва функциялар билан боғлиқ масалалар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва миллий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

Уюшма ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этиш, шу жумладан, маҳалла тизимида оид материалларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш учун малакали мутахассисларни жалб этиш.

7. Уюшма марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари ходимларини бюджет параметрларида маҳаллаларнинг бошқарув тизими фаолияти-

ни молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағларнинг бир қисми ҳамда Жамғарма маблағларининг шакллантиришнинг бошқа манбалари ҳисобидан қуйидаги тартибда моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш қўлланилади:

байрам кунлари муносабати билан ходимларни лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) 100 фоизгача бўлган миқдорда мукофотлаш;

ходимларга овқатланиш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ҳар ойлик тўловлар;

ходимларга транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ҳар ойлик тўловлар;

Уюшма марказий аппарати ходимларига лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) 100 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ходимларига лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) 80 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар;

туман (шаҳар) бўлимлари ходимларига лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) 50 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар.

4-боб. Жамғармани бошқариш

8. Жамғарма маблағлари Уюшма раиси томонидан бошқарилади ва тақсимланади.

Бунда Жамғарма маблағларини сарфлаш Уюшма раиси томонидан тасдиқланган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ тегишли шахсий газна ҳисобварақларидан сарфланади.

9. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси келгуси молия йилида даромадлар прогнозидан ва келиб тушган маблағлардан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Кўшимча маблағлар келиб тушганда даромадлар ва харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш орқали харажатлар амалга оширилади.

10. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда мазкур Низомда назарда тутилган тартибда фойдаланилади.

5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш, назорат ва жавобгарлик

11. Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юритилади ва тақдим этилади.

12. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

13. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

14. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**157 «Маҳалла етилиги» фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолашда маҳалла раисининг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнгги йилларда маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳаллалардаги муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этишда давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакилларининг имкониятларини янада кенгайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини баҳолашда маҳалла раисларининг мақомини ошириш зарурлиги тақозо этилмоқда.

«Маҳалла етилиги» фаолиятини самарали ва режали асосда ташкил этиш ҳамда унинг аъзоларини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон Фармониға мувофиқ:

маҳалла раиси томонидан ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ҳамда солиқ инспекторлари «Маҳалла етилиги»нинг фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича алоҳида баҳоланиши. Бунда кўрсаткичлар мазкур ходимларнинг иш берувчилари томонидан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши;

маҳалла раислари ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида баҳолашда 20 фоиз балл бериш ҳуқуқига эга бўлиши;

«Маҳалла етилиги» аъзоларининг иш ҳақини асосий иш жойидан бериш тартиби сақлаб қолинган ҳолда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, улар моддий рағбатлантирилиб борилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, маҳалла раиси томонидан ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 майда эълон қилинган.

ҳамда солиқ инспекторларининг (кейинги ўринларда — «Маҳалла еттилиги» аъзолари) фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича иловада келтирилган индикаторларга мувофиқ баҳоланади.

3.Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) маҳалла раисининг фаолияти туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши томонидан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган ҳар ойлик иш режалар асосида амалга оширилади;

б) «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг фаолияти тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлигининг бўлинмалари ҳамда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказларининг туман (шаҳар) раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ҳар ойлик иш режалар асосида амалга оширилади;

в) ҳар ойлик иш режаларда устувор равишда қуйидаги асосий тадбир ва вазифалар белгиланади:

маҳалла раиси учун:

миллий кадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни тарғиб қилиш;

давлат органлари вакилларини аҳоли муаммоларини ҳал этишга сафарбар этиш;

маҳалла инфратузилмасини яхшилаш;

«Обод маҳалла», «Обод кўча» ва «Обод хонадон» мезонларини жорий этиш;

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилишига кўмаклашиш; оммавий ҳашарларни ташкил қилиш ва уларга аҳолини жалб қилиш; қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш;

нуронийлар билан биргаликда таълим муассасаларида тарбиявий соатлар ва суҳбатлар ўтказиш;

«Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

хоким ёрдамчиси учун:

доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш;

аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, кредит ва субсидиялар ажратилишида кўмаклашиш;

деҳқон хўжаликлари билан экспорт қилувчи, брокер ва қайта ишловчи корхоналарнинг ҳамкорлигини ташкил этиш;

маҳаллаларда микролойиҳалар манзилли дастурини шакллантириш ва уларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

бўш турган бино ва иншоотлар ҳамда ер майдонларини аукцион савдоларига чиқаришда кўмаклашиш;

камбағал оилаларнинг даромадини ошириш чораларини кўриш;

меҳнат миграциясига чиқиб кетган ёки қайтиб келган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаш;

томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш ишларини ташкил этиш;

ёшлар етакчиси учун:

уйма-уй юриш орқали «Ёшлар баланси»ни шакллантириш;

ёшлар билан манзилли ишлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш;

ижтимоий фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш;

соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш;

«Ёшлар дафтари»даги ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш;

хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш;

ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш;

хотин-қизлар фаоли учун:

оилаларни мустаҳкамлаш ва ажримларнинг олдини олиш;

хотин-қизлар муаммолари ва қизиқишларини ўрганиб, уларга кўмаклашиш;

хотин-қизлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда «Соғлом оила — соғлом жамият» тамойилини тарғиб қилиш;

хотин-қизлар ўртасида тизимли маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда таълим имкониятларини кенгайтириш;

тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратишда фаол иштирок этиш;

профилактика инспектори учун:

маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан манзилли ишлаш;

маҳалладаги криминоген вазиятни таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

аҳолини террорчилик, экстремистик ва бошқа ғайриқонуний бузғунчилик ҳамда ахлоқсизлик йўналишидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш;

ижтимоий ходим учун:

парваришга муҳтож ёлғиз кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинганлар шахслар ҳамда турли нуқсонлари бўлган ва узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларга ёрдам бериш;

кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болаларга ёрдам кўрсатиш;

ота-онаси хорижий давлатларга кетган болалар ҳамда вояга етмаган ёлғиз оналар ва оталар билан ишлаш;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да рўйхатда турган шахсларга ёрдам бериш;

солиқ инспектори учун:

ҳудуднинг солиқ базасини кенгайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга кўмаклашиш;

мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчиларини ҳисобга олиш ишларини бажариш ҳамда солиқлар ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

солиқлар ихтиёрий тўланишига қаратилган тарғибот ишларини ташкил этиш;

маблағларнинг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилишини назорат қилиш;

солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда кўмаклашиш;

г) маҳалла раиси ва «Маҳалла еттилиги» аъзоларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолашда бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда ҳар ойлик иш режаларнинг амалда бажарилиш ҳолати ҳам инобатга олинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда «Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолаш методикасини қайта ишлаб чиқсин.

Бунда:

хотин-қизлар фаоли фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолашда ички ишлар органлари томонидан тазйиқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга берилган ҳимоя ордерлари сони инобатга олинмасин;

хоким ёрдамчилари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолашда «янги ташкил қилинган субъектлар» кўрсаткичига асосан уларнинг олис ҳудудларда фаолият юритаётганларига кўшимча коэффициент бериш назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда уч ой муддатда Маҳалланинг ягона платформаси доирасида маҳалла раиси томонидан «Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолаш механизмларини назарда тутувчи модулни яратсин ва ушбу тизимни ишга тушириш билан боғлиқ барча ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга оширсин.

Бунда ушбу тизимни яратиш ва техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда уч ой муддатда «Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) маълумотлари

шаклланадиган ахборот тизимларини Маҳалланинг ягона платформаси билан ўзаро интеграция қилишни таъминласин.

7. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда доимий равишда барча фуқаролар йиғинларида маҳалла раиси томонидан «Маҳалла еттилиги» аъзолари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолашни йўлга қўйишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳар томонлама қўмаклашиб бориш;

бир ой муддатда маҳалла раисларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) бўйича баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш, бунда баҳолаш натижалари бўйича маҳалла раисларини моддий рағбатлантиришни назарда тутиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла еттилиги», ёшлар сиёсати ва маънавият масалалари департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 18 май,
292-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 18 майдаги 292-сон қарорига
ИЛОВА

**Маҳалла раиси томонидан ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси,
хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий
ходим ва солиқ инспекторларининг фаолиятини энг муҳим
самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш
ИНДИКАТОРЛАРИ**

20__ йилнинг __ чораги учун

| Т/р | Мезонлар | Кўрсаткичлар | Бериладиган балл |
|-----|---|--|------------------|
| 1. | Маҳалла раиси томонидан йўналтирилган муаммоли масалаларни бартараф этганлиги | 30 та ва ундан ортиқ | + 10,0 |
| | | 20 та ва ундан ортиқ | + 3,0 |
| | | 16 та ва ундан ортиқ | + 1,0 |
| | | 15 та ва ундан кам | 0 |
| 2. | Меҳнат мажбуриятларининг ҳақиқатда бажарилган вақти | Ҳақиқатда ишланган кунлари тўлиқ бўлган | + 10,0 |
| | | Сабабсиз ўн кунгача ишга келмаган | + 3,0 |
| | | Сабабсиз ўн кун ва ундан ортиқ ишга келмаган | 0 |

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I****158 Tuproq bonitirovkasi ishlarini o‘tkazish va hujjatlarini
tasdiqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va
qo‘shimcha kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
6-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2521-3*

O‘zbekiston Respublikasining “Tuproqni muhofaza qilish va uning unumdorligini oshirish to‘g‘risida”gi O‘RQ–903-son Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 2-avgustdagi PQ–257-son “Qishloq xo‘jaligi sohasiga ilg‘or raqamli texnologiyalarni joriy qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 3-avgustdagi 330-son “Qishloq xo‘jaligi sohasiga ilg‘or raqamli texnologiyalarni joriy qilishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri davlat qo‘mitasining 2013-yil 30-oktabrdagi 21-son qarori (ro‘yxat raqami 2521, 2013-yil 7-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 45-son, 596-modda) bilan tasdiqlangan Tuproq bonitirovkasi ishlarini o‘tkazish va hujjatlarini tasdiqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda O‘zbekiston fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir**I. ABDURAHMONOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 30-aprel,
8-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri**D. KUChKAROV**

2024-yil 24-aprel

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 7-mayda e‘lon qilingan.

*O'zbekiston fermer, dehqon
xo'jaliklari va tomorqa yer
egalari kengashi raisi*

A. XAITOV

2024-yil 15-aprel

O'zbekiston Respublikasi
qishloq xo'jaligi vazirining 2024-yil 30-apreldagi
8-son buyrug'iga
ILOVA

**Tuproq bonitirovkasi ishlarini o'tkazish va hujjatlarini tasdiqlash
tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirish va
qo'shimcha**

1. 1-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“tuproq sifatini baholash (tuproq bonitirovkasi) — tuproqning sifati va tabiiy unumdorlik qobiliyatini 100 balli shkala bo'yicha qiyosiy baholash;”;

2. 4-band quyidagi mazmundagi ikkinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Tuproq bonitirovkasi ishlari bajarilgandan keyin, yangi o'zlashtirilgan yerlar sug'oriladigan qishloq xo'jaligi yer maydoni sifatida hisobga (balans) olingan bo'lsa, u holatda keyingi tur tuproq bonitirovkasi ishlari o'tkazilgunga qadar, hududning o'rtacha bali miqdorida belgilanadi.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

159 «Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 мартдаги 169-сон «Хулоса бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

С. ТОШБОЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 3 май,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил
3 майдаги 1-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 26 сентябрдаги 1-сон «Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3071, 2018 йил 27 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2018 й., 10/18/3071/1970-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 25 майдаги 3-сон «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3071-1, 2020 йил 22 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.06.2020 й., 10/20/3071-1/0789-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрдаги 3-сон «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3071-2, 2021 йил 30 октябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.10.2021 й., 10/21/3071-2/1003-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

160 «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги ПҚ–108-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Истиқболли лойиҳалар миллий
агентлиги директори**

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2024 йил 26 апрель,
2-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 13 майда эълон қилинган.

**Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитаси раиси ўринбосари**

А. ҚАЮМОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 22 апрель,
02/11-05/02-сон

Солиқ қўмитаси раиси

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 26 апрель,
2024-07-сон

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакили*

Д. КАСИМОВ

2024 йил 19 апрель

**Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2024 йил 17 апрель

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг
2024 йил 26 апрелдаги 2-сон, Рақобатни ривож-
лантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитасининг 2024 йил 22 апрелдаги
02/11-05/02-сон ва Солиқ қўмитасининг
2024 йил 26 апрелдаги 2024-07-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 июлдаги 77, 2008-33-сон, 2008 йил 26 июндаги 13-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1842, 2008 йил 15 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 337-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2011 йил 14 мартдаги 21, 2011-9, 2-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1842-1, 2011 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 12-13-сон, 123-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 24 апрелдаги 39, 2013-27, 01/19-26/02-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1842-2, 2013 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 395-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 31 декабрдаги 91, 2014-38, 01/19-26/29-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1842-3, 2015 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 1-сон, 18-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси

ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 21 декабрдаги 108, 2015-35, 01/19-26/25-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1842-4, 2015 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 52-сон, 651-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 189, 2017-69, 01/15-1-10/36-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1842-5, 2018 йил 17 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 10/18/1842-5/0581-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 20, 18 ва 11 январдаги 2, 2021-04, 05/11-05/01-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1842-6, 2021 йил 22 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2021 й., 10/21/1842-6/0157-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

161 Суғурталовчиларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3512*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги ПҚ–108-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Суғурталовчиларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2024 йил 26 апрель,
3-сон

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2024 йил 22 апрель

*Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2024 йил 23 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 13 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2024 йил 26 апрелдаги
3-сон буйруғига
ИЛОВА

Суғурталовчиларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативларни бузганлик учун суғурталовчи ёки қайта суғурталовчига (бундан буён матнда суғурталовчи деб юритилади) нисбатан жарима санкцияларини қўллаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни-нинг 47-моддасига асосан ваколатли давлат органи суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативларни бузганлиги учун мазкур низомнинг иловасига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоригача жарима қўллашга ҳақли.

Бунда, суғурталовчига қўлланиладиган жарималарнинг умумий йиғинди-си суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 1,0 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

2. Жарима Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади.

2-боб. Жарима санкцияларини қўллаш асослари

3. Ваколатли давлат органи жарима санкцияларини қўллашда қуйидаги манбалардан фойдаланади:

қонунчиликка мувофиқ ваколатли давлат органининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширилган назорат тадбирлари ва текшириш натижасида олинган маълумотлар ва расмийлаштирилган ҳужжатлар;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколатли давлат органига топширилиши назарда тутилган ҳисоботлар ва маълумотлар;

аудиторлик ва актуар ташкилотлари томонидан ўтказилган текширув натижалари бўйича хулосалар;

суғурта хизматлари истеъмолчиларининг муурожаатларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар.

4. Ваколатли давлат органи томонидан жарима санкциялари қўлланилганда қуйидагилар ҳисобга олинади:

қоидабузарликлар ва (ёки) камчиликларнинг мунтазамлиги (икки ва ундан кўп марта) ҳамда давомийлиги;

йўл қўйилган қоидабузарликларнинг суғурталовчиларнинг молиявий ҳолатига таъсири;

қўлланиладиган жарима санкциялари натижасида вазиятни ўзгартириш имконияти;

аниқланган қоидабузарликлар ва (ёки) камчиликларнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлган сабаблар;

илгари қўлланилган чора ва санкцияларнинг самарадорлиги (натижадорлиги);

суғурталовчилар томонидан фаолиятда аниқланган камчиликларни ёки қоидабузарликларни бартараф этишга қаратилган мустақил чоралар қўрилганлиги.

3-боб. Жарима санкцияларини қўллаш

5. Суғурталовчиларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги қарор ваколатли давлат органининг раҳбари ёки унинг вазифалари юкланган ўринбосар томонидан қабул қилинади.

Бунда, ваколатли давлат органи раҳбари ёки унинг вазифалари юкланган ўринбосар томонидан қарор қабул қилинишига Суғурталовчиларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш бўйича ишчи комиссиянинг (бундан буён матнда Ишчи комиссия деб юритилади) хулосаси асос бўлади.

6. Ишчи комиссия таркиби ваколатли давлат органи раҳбарининг буйруғи билан ваколатли давлат органи раҳбарининг ўринбосари ва ходимлари орасидан 5 ёки 7 кишидан иборат таркибда шакллантирилади.

7. Ишчи комиссия фаолиятини ташкил этиш, йиғилишларини ўтказиш ва уларга раҳбарлик қилиш Ишчи комиссия раиси томонидан амалга оширилади.

Ишчи комиссия йиғилиши учун ташкилий тайёргарликни таъминлаш комиссия котиби зиммасига юкланади.

Ишчи комиссия йиғилишлари заруратга кўра ўтказилади. Йиғилишларда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан коллегиял тарзда қарорлар қабул қилинади.

Ишчи комиссия йиғилишлари аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Ишчи комиссия қарорлари йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилиги томонидан маъқулланган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Ишчи комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

8. Ваколатли давлат органи томонидан аниқланган қоидабузарликлар учун жарима санкцияларини қўллаш муддати мазкур қоидабузарликлар аниқланган кундан эътиборан олти ойдан ва улар содир этилган кундан бошлаб уч йилдан ошмаслиги лозим. Қоидабузарликлар аниқланган кун Ишчи комиссия томонидан хулоса расмийлаштирилган кун ҳисобланади.

9. Ишчи комиссия котиби томонидан суғурталовчига йиғилишдан бир

кун олдин Ишчи комиссия йиғилиши ҳақида хабар қилинади. Бунда, суғурталовчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда суғурталовчи иштирок этиш ҳуқуқига эга.

10. Ваколатли давлат органи жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги қарордан кўчирмани жарима миқдори, тўлов муддати ва тегишли ҳисобва-рақ реквизитларини кўрсатган ҳолда суғурталовчига уч иш куни ичида ёзма равишда хабар беради.

Бунда, суғурталовчи жарима суммасини ёзма равишда берилган хабар олинган кундан бошлаб ўн беш кун ичида тўлаши лозим.

Суғурталовчи томонидан апелляция муддати давомида Апелляция кенгашига шикоят қилинганда, жаримани тўлаш муддати тўхтатиб турилади.

11. Суғурталовчи ёзма равишда берилган хабарда кўрсатилган муддатда жаримани тўламаган тақдирда, ваколатли давлат органи жаримани ундириш учун судга мурожаат қилади.

12. Суғурталовчи жарима санкцияларини қўллаш учун асос бўлган қоидабузарликларни белгиланган муддатда бартараф этмаганда, ваколатли давлат органи бошқа чора ва санкцияларни қўллаши мумкин.

13. Ваколатли давлат органи суғурталовчилар номи, улар томонидан содир этилган қоидабузарликлар, уларга нисбатан қўлланилган жарима санкциялар тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга ҳақли.

4-боб. Ваколатли давлат органи қарори устидан шикоят қилиш

14. Ваколатли давлат органининг жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги қароридан норози бўлган суғурталовчи қарордан кўчирмани олган санадан бошлаб ўн беш кун ичида ваколатли давлат органининг апелляция кенгашига (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) ёзма равишда шикоят бериш ёки қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурталовчи томонидан шикоят Апелляция кенгашига апелляцияни бериш муддати бузилган ҳолда тақдим этилганда, Апелляция кенгаши томонидан шикоят кўриб чиқилмайди.

15. Апелляция кенгаши апелляция берилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида суғурталовчининг шикоятини кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши суғурталовчини шикоятни кўриб чиқиш куни ҳақида бир кун аввал хабардор қилади. Бунда, суғурталовчи шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ваколатли давлат органи шикоятни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

шикоятда келтирилган вазлар ўз тасдиғини топмаганда, шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ва ваколатли давлат органи қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида;

шикоятдаги вазлар ўз тасдиғини топганда, шикоятни қаноатлантириш ва ваколатли давлат органи қарорини бекор қилиш тўғрисида.

16. Ваколатли давлат органи қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда суғурталовчини хабардор қилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

Суғурталовчиларга нисбатан жарима
санкцияларини қўллаш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Суғурталовчилар томонидан содир этилган қоидабузарликлар учун ваколатли давлат органи томонидан қўлланиладиган ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

| Т/р | Қоидабузарлик тури | Қўлланиладиган жарима миқдори (суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдоридан) |
|---|---|---|
| 1-бўлим. Тўлов қобилияти нормативларига оид талабларнинг бузилиши | | |
| 1. | Суғурталовчиларнинг алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдорига оид талабларга риоя қилмаслик | 0,07 фоиз, бир йил ичида тақроран содир этилганда 0,1 фоиз миқдоридан |
| 2. | Суғурталовчиларнинг мажбуриятлари жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдорига оид талабларга риоя қилмаслик | 0,07 фоиз, бир йил ичида тақроран содир этилганда 0,1 фоиз миқдоридан |
| 3. | Суғурталовчининг ҳисоб (валюта) ва бошқа банк рақамларида ўтган ўн икки ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонлари суммасининг 3 фоизидан кам бўлмаган миқдорда пул маблағлари мавжуд бўлишига оид талабга риоя қилмаганлик | 0,1 фоиз миқдоридан |
| 2-бўлим. Суғурталовчилар активларини жойлаштиришга оид талабларнинг бузилиши | | |
| 4. | Боғлиқ шахсларга имтиёзли шартлар тақдим этилган, суғурталовчи активларини суғурталовчининг дастлабки икки йиллик фаолияти давомида боғлиқ шахсларда жойлаштирган | 0,1 фоиз миқдоридан |
| 5. | Суғурталовчи активларини интеллектуал мулкка қўйилмалар (дастурий таъминот, маълумотлар базаси, адабиёт, фирма номлари ва товар белгиларини харид қилиш бундан мустасно) қўйиш йўли билан жойлаштирган тақдирда | 0,1 фоиз миқдоридан |

| | | |
|-----|---|---|
| 6. | суғурталовчи активларини суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар билан қарз шартномасини тузиш (молиявий ёрдам бериш) йўли билан жойлаштирган тақдирда | 0,1 фоиз миқдорида |
| 7. | Суғурталовчи томонидан берилган қарзларнинг умумий суммаси суғурталовчи устав капиталининг 10 фоизидан ошган тақдирда | 0,07 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,1 фоиз миқдорида |
| 8. | Суғурталовчи ўз маблағлари манбалари суммасининг 30 фоизидан ошган ҳажмдаги қарзларни (молиявий ёрдамни) бу ҳақда ваколатли давлат органини хабардор этмай олганда | 0,07 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,1 фоиз миқдорида |
| 9. | Битта боғлиқ шахсда жойлаштирилган активларнинг суммаси суғурталовчи устав капиталининг 15 фоизидан ошган тақдирда (суғурта фаолияти, суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида суғурталовчига тегишли бўлган хизмат биноларидан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар (шўъба хўжалик жамиятлари) ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) | 0,07 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,1 фоиз миқдорида |
| 10. | Барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси суғурталовчи устав капиталининг 100 фоизидан ошган тақдирда (суғурта фаолияти, суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида суғурталовчига тегишли бўлган хизмат биноларидан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар (шўъба хўжалик жамиятлари) ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) | 0,07 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,1 фоиз миқдорида |
| 11. | Хусусий мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ гаровга берилганда, кафолат берилганда ёхуд балансда акс этмаган бошқа мажбурият қабул қилинганда, суғурталовчи беш кунлик муддатда ваколатли давлат органини ёзма равишда хабардор қилмаганда | 0,07 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,1 фоиз миқдорида |
| 12. | Бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирилган активларининг умумий суммаси, суғурталовчи ўз маблағлари манбалари суммасининг 50 фоизидан ошган тақдирда, олдинги молиявий йил якуни бўйича халқаро аудитнинг ижобий хулосасини олган тижорат банкларининг устав капиталларида иштирок этиш ва қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорида |
| 13. | Ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш улуши ушбу юридик шахс устав капиталининг 30 фоизидан ошган | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорида |

| | | |
|--|---|---|
| | тақдирда (суғурта фаолияти, суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида суғурталовчига тегишли бўлган хизмат биноларидан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар (шўъба хўжалик жамиятлари) ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) | |
| 14. | Суғурталовчининг активлари кўчмас мулк объектларига жойлаштирилганда, суғурталовчи активларининг 50 фоиздан ортиғини битта ер участкаси ёки кўчмас мулкнинг бошқа объектига ёхуд битта объект сифатида кўрилиши мумкин бўлган ер участкалари ва кўчмас мулк объектлари мажмуига жойлаштирилган тақдирда | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорида |
| 15. | Суғурталовчининг активларини банк омонатларига (депозитларига) жойлаштиришда, битта тижорат банкига жойлаштирилган омонат суғурталовчи активларининг 40 фоиздан ошган тақдирда | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорида |
| 16. | Суғурталовчининг активларини кредит ташкилотларида (тижорат банкларидан ташқари) омонатларга (депозитларга) жойлаштиришда, омонатларнинг (депозитларнинг) умумий суммаси суғурталовчи активларининг 10 фоиздан ошган тақдирда | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорида |
| 17. | Суғурталовчи активларини битта юридик шахснинг устав капиталига жойлаштириш ёки битта юридик шахсда иштирок этиш бўйича бошқа ҳуқуқлари суғурталовчи активларининг 30 фоиздан ошган тақдирда (қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорида |
| 3-бўлим. Қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларнинг бузилиши | | |
| 18. | Суғурталовчи таваккалчиликларни тасдиқланган деб ҳисобланмайдиган қайта суғурталовчиларга қайта суғуртага берганда | 0,1 фоиз миқдорида |
| 19. | Мажбуриятлар чет эл суғурта ташкилотларида қайта суғурталанганда, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига қайта суғуртага берилган мажбуриятлар ҳажми суғурталовчининг ҳар бир алоҳида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича мажбуриятлар ҳажмининг 95 фоиздан ошганда | 0,1 фоиз миқдорида |
| 20. | Мажбуриятлар чет эл суғурта ташкилотларида қайта суғурталанганда, ўзида қолдирилган улушнинг энг кам миқдори суғурталовчининг тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдорининг 5 фоиздан кам бўлганда (экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш ва чет элга чиқувчи шахсларни суғурта қилиш шартномалари бундан мустасно) | 0,1 фоиз миқдорида |

| 4-бўлим. Суғурта захираларини шакллантириш ҳамда жойлаштиришга оид талабларнинг бузилиши | | |
|---|---|--|
| 21. | Суғурталовчи шакллантириши шарт бўлган суғурта захиралари шакллантирилмаган ёки тўлиқ бўлмаган миқдорда шакллантирилганда | 0,1 фоиз миқдорда |
| 22. | Суғурталовчи ажратиши шарт бўлган активлар суғурталовчи томонидан ажратилмаган ёки суғурта захиралари қийматидан кам бўлган миқдорда ажратилганда | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорда |
| 23. | Суғурталовчининг ажратилган активларнинг 70 фоизидан кам бўлмаган қисми Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1882, 2008 йил 15 декабрь) 38-бандида белгиланган манбалардан ташкил топмаганда | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорда |
| 24. | Суғурта захиралари тўғрисидаги ҳисоботларда кўрсатилган суғурта захиралари миқдори суғурталовчининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига мос келмаганда | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорда |
| 5-бўлим. Суғуртага оид ҳисоботларни тақдим этиш талабларининг бузилиши | | |
| 25. | Тўлов қобилияти нормативлари ҳисоб-китобларини тақдим этиш шакли, тартиби ва муддатларига риоя қилмаслик | 0,03 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,05 фоиз миқдорда |
| 26. | Суғурталовчиларнинг активларини жойлаштиришга оид талабларга риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш шакли, тартиби ва муддатларига риоя қилмаслик | 0,03 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,05 фоиз миқдорда |
| 27. | Қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш шакли, тартиби ва муддатларига риоя қилмаслик | 0,03 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,05 фоиз миқдорда |
| 28. | Суғурта захиралари тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш шакли, тартиби ва муддатларига риоя қилмаслик | 0,03 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,05 фоиз миқдорда |
| 29. | Ҳисобот маълумотлари бузиб кўрсатилганда (била туриб ёлғон ва нотўғри маълумотларни тақдим этилган) | 0,07 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,1 фоиз миқдорда |
| 6-бўлим. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши | | |
| 30. | Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига риоя этилишига масъул бўлган шахсларнинг рўйхатини ваколатли давлат органига тақдим этиш муддатларига риоя қилмаслик | 0,05 фоиз миқдорда |
| 31. | Суғурталовчи томонидан ўзининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва | 0,05 фоиз миқдорда |

| | | |
|---|---|--|
| | оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолияти тўғрисида ҳисоботни ваколатли давлат органига тақдим этиш муддатларига рия қилмаслик | |
| 7-бўлим. Суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши | | |
| 32. | Суднинг қарорига асосан суғурталовчи суғурта товонини (суғурта пулини) тўлашни асосиз рад этиши оқибатида суғурта қилдирувчига суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаши белгиланганда | хар бир ҳолат учун 0,09 фоиз, жами аниқланган ҳолатлар учун 0,1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда |
| 33. | Экспорт контрактларини суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта товонини тўлаш муддатларига суғурталовчи томонидан рия қилинмаган тақдирда | 0,09 фоиз миқдорда |
| 34. | Мажбурий суғурта турлари бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда аризаларни (суғурта даъволарини) кўриб чиқмаслик | хар бир ҳолат учун 0,005 фоиз, жами аниқланган ҳолатлар учун 0,1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда |
| 35. | Мажбурий суғурта турлари бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда суғурта товонини тўламаганлик учун | хар бир ҳолат учун 0,01 фоиз, жами аниқланган ҳолатлар учун 0,1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда |
| 8-бўлим. Суғуртага оид бошқа қонунчилик талабларининг бажарилмаслиги | | |
| 36. | Суғурталовчи томонидан суғурта агентига тўланган комиссия пулининг миқдори суғурта агенти тузган суғурта шартномалари бўйича суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган суғурта мукофотларининг (тўловларининг) 25 фоизидан ошганда | 0,05 фоиз, бир йил ичида такроран содир этилганда 0,07 фоиз миқдорда |
| 37. | Суғурталовчи ваколат берган суғурта агентларининг реестри мавжуд эмаслиги | 0,09 фоиз миқдорда |
| 38. | Қабул қилинган пул маблағлари ва мажбуриятларининг миқдорлари ҳақидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни ваколатли давлат органи ўз ваколати доирасида талаб қилганда тақдим этмаслик | 0,09 фоиз миқдорда |
| 39. | Суғурталовчининг фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган манзили ўзгарганлиги ҳақида суғурта қилдирувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали, ўз ижросидаги бир йилдан ортиқ муддатли суғурта шартномалари бўйича эса ёзма равишда хабардор қилмаслиги | 0,09 фоиз миқдорда |
| 40. | Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтмаслик | 0,09 фоиз миқдорда |
| 41. | Суғурталовчи томонидан йилига бир марта — хар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой давомида молия йилидаги фаолият яқунлари бўйича актуар ташкилотни актуар текширувини амалга ошириш учун жалб этмаслиги | 0,09 фоиз миқдорда |

| | | |
|-----|---|---|
| 42. | Суғурталовчилар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерларини ваколатли орган билан келишмаган ҳолда тайинлаганлик учун | ҳар бир ҳолат учун 0,09 фоиз, жами аниқланган ҳолатлар учун 0,1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда |
| 43. | Ваколатли давлат органининг мажбурий кўрсатмаларини бажармаганлик, шу жумладан ўз вақтида бажармаганлик учун | ҳар бир ҳолат учун 0,09 фоиз, жами аниқланган ҳолатлар учун 0,1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда |

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2024-yil 30-apreldagi 8-son “Tuproq bonitirovkasi ishlarini o‘tkazish va hujjatlarini tasdiqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 6-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2521-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 3 майдаги 1-сон «Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2024 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071-3.

3. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2024 йил 26 апрелдаги 2-сон, Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2024 йил 22 апрелдаги 02/11-05/02-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил 26 апрелдаги 2024-07-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2024 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-7.

4. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 26 апрелдаги 3-сон «Суғурталовчиларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2024 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3512.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 26 сентябрдаги 1-сон «Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-

маси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3071, 2018 йил 27 сентябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3071-1, 2020 йил 22 июнь), (рўйхат рақами 3071-2, 2021 йил 30 октябрь).

2024 йил 10 майда давлат реесридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 июлдаги 77, 2008-33-сон, 2008 йил 26 июндаги 13-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1842, 2008 йил 15 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1842-1, 2011 йил 22 март), (рўйхат рақами 1842-2, 2013 йил 22 июль), (рўйхат рақами 1842-3, 2015 йил 9 январь), (рўйхат рақами 1842-4, 2015 йил 29 декабрь), (рўйхат рақами 1842-5, 2018 йил 17 январь), (рўйхат рақами 1842-6, 2021 йил 22 февраль).

2024 йил 10 майда давлат реесридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

